

ЭРДОНОВ М.Н.

**ШАҲАРЛАР
ГЕОГРАФИЯСИ**

Термиз-2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ

ШАҲАРЛАР ГЕОГРАФИЯСИ

фанидан

услубий қўлланма

Термиз - 2020

Мазкур услубий қўлланма 5140600-География таълим йўналиши талабаларига “Шаҳарлар географияси” фанидан маъруза ва амалий машғулоти дарсларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Услубий қўлланма “Шаҳарлар географияси” фанининг намунавий ўқув режаси, намунавий фан дастури ва ишчи ўқув режаси асосида ёзилган.

Муаллиф: Термиз давлат университети География кафедраси
катта ўқитувчиси, география фанлари номзоди
Эрдонов Муҳаммади Нуралиевич

Масъул муҳаррир: Термиз давлат университети География кафедраси
доценти, география фанлари номзоди
Абдуназаров Ҳусан Менглиевич

Такризчи: Термиз давлат университети География кафедраси
доценти, география фанлари номзоди
Алланов Қилич Аллақулович

Мазкур услубий қўлланма География кафедрасининг мажлисида (“2019 йил ” 26 сентябрдаги 3-сонли йиғилиш баённомасида) ва Табиий фанлар факультети кенгаши йиғилишида (“21” октябрдаги 4-сонли йиғилиш баённомасида) кўриб чиқилган ва маъқулланган.

Ушбу услубий қўлланма Термиз давлат университети ўқув услубий кенгашининг 2019 йил “28” ноябрдаги 4-сонли йиғилишида кўриб чиқилган ва чоп қилишга тавсия қилинган.

Кириш

Мазкур услубий қўлланма Термиз давлат университетининг 5140600-География таълим йўналиши талабалари учун “Шаҳарлар географияси” фанининг намунавий ўқув дастури ва ишчи ўқув режалари асосида ёзилди.

Услубий қўлланмани тайёрлашда олий ўқув юртларининг 5140600-География таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабалари учун ёзилган дарсликлар ва ўқув адабиётларидан фойдаланилди.

Шаҳарлар географияси ёки геоурбанистика иқтисодий ва ижтимоий географиянинг алоҳида тармоғи бўлиб, олий ўқув юртларининг география йўналиши талабалари учун ўқитилади. Фан шаҳарлар тўри ва тизимлари ривожланишининг тарихий-географик, социал, иқтисодий-географик, шаҳарсозлик жиҳатларини ўрганишга, урбанизациянинг мураккаб, замонавий глобал ҳарактерини очиқ беришга, шаҳарлар ва уларнинг ҳудудий тизимлари ривожланишининг стратегиясини мазмун ва аҳамиятини, шаҳарларни жойлаштириш, ривожлантириш, лойиҳалаш ва бошқариш асосларини ўрганишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга мурожаатномасида урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудийларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак.

Ана шу ишлар доирасида 7 йирик шаҳар-Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Наманган, Нукусга туташ бўлган 12 та йўлдош шаҳарча танлаб олиниб, уларни ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Ана шу вазифа билан боғлиқ яна бир масала шуки, асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими-ички миграцияни эркинлаштиришдан иборат.

Шаҳарларни ўрганиш катта илмий, маданий ва маърифий аҳамиятга эга. Чунки мамлакат ва юртларнинг ҳозирги куни ва ўтмиши, тарихи,

таснифи ва тақдирини, уларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини, геосиёсий мавқеини кўп ҳолларда шаҳарлар орқали англаш мумкин.

Шаҳарлар ниҳоятда ҳаракатчан, динамик объект; улар ҳам жонли мавжудотдек бетакрор, ўзига ҳос борлиқ: Шаҳарларнинг ҳам туғилган вақти ва жойи, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқиш ёши ва фаолияти, бошқача қилиб айтганда, паспортлари бор. Бинобарин, шаҳарни ўрганиш ҳамма вақт жонли ва қизиқарли бўлади.

Ушбу маърузалар матни муаллифнинг бу соҳадаги кўп йиллик илмий - педагогик тажрибасидан келиб чиқган ҳолда ёзилган. Унинг мазмуни ўқув жараёнида такомиллаштирилиб, республикамиз шаҳарларига оид фактик рақамлар ҳамда ахборотлар билан бойитилган.

Услубий қўлланмада Шаҳарлар географияси фанининг объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, шаҳарларнинг вужудга келиш тарихи, шаҳар ҳосил қилувчи асосий омиллар, шаҳарлар классификацияси, шаҳарларларнинг ҳудудий тизимлари, урбанизациянинг минтақавий хусусиятлари, Ўзбекистон шаҳарлар географияси, Ўзбекистон иқтисодий районлари шаҳарлари каби масалалар атрофлича ёритилган.

Услубий қўлланмани нашрга тайёрлашда ўз тавсияси билан катта ҳисса қўшган, Термиз давлат университети География кафедраси профессор-ўқитувчиларига фойдали маслаҳатлари учун чин қалбдан ташаккур изҳор этамиз. Мазкур услубий қўлланма юзасидан фикр ва мулоҳазаларни муаллиф мамнуният билан қабул қилади.

1. Шаҳарлар географияси фанининг объекти ва предмети

Таянч сўзлар: *Шаҳарлар географияси, урбанистик ҳудуд, шаҳарларнинг жойлашув моделлари*

Геоурбанистика ёхуд шаҳарлар географияси аҳоли ва аҳоли манзилгоҳлари ва умуман, иқтисодий ва социал географиянинг энг ривожланган йуналишидир. Шаҳарлар бошқа иқтисодий географик объектларга караганда ўзининг яхлит, дарҳол кўзга ташланиб туриши билан фарқланади. Бунинг сабаби - уларнинг ишлаб чиқаришни, ижтимоий - иқтисодий воқеликни худдудда, географик харитада узига хос тасвирлашдир.

Маълумки, иқтисодий хариталарда асосан уч худудий шакл курсатилади: чизиқлар йулларга мос келса, ареал ёки майдонлар - хўжалик соҳаларига, нуқта ва тугунлар (тугунчалар) эса саноат марказлари, шаҳарларни акс эттиради. Бинобарин, айтиш мумкинки, иқтисодий ва социал географиянинг асосий тадқиқот объекти ана шу учлик, худудий ёки географик геометрия ҳисобланади ва уларни таҳлил этиш бу фаннинг туб масаласидир.

Шаҳарлар географиясининг иқтисодий ва социал география фани доирасидаги бундай ютуғини боиси нима? Авваламбор, таъкидлаш лозимки, шаҳарлар худудий бирликдир иккинчидан, улар мураккаб социал-иқтисодий категория; учинчидан, шаҳарларда атроф - муҳит, мазкур худуднинг ижтимоий - иқтисодий фаолияти, мисли ойнада аксни топганидек, яхлит мужассамланади; туртинчидан, шаҳарлар ҳар бир давлат, худуд, иқтисодий ва социал географик тизимнинг таянч нуқталари, «устунлари» булиб ҳизмат қилади. Шаҳарлар - бизнинг ўтмишимиз, ҳозирги кундаги қудратимиз ва истиқболда ривожланиш қуввати ва имкониятимиздир. Улар ердаги чинакам порлоқ юлдузлардир.

Шаҳарлар жуда мураккаб мавжудот булиб, серқирали вазифаларни бажаради. Сиёсий жиҳатдан олсак, ҳар бир давлат узининг шаҳарлар тури ва,

айниқса, пойтахти (дорулсалтанати) билан кучлидир. Бежиз эмаски, ҳар қандай урушлар муваффақияти ва зафари душманнинг шаҳар ва қалъаларини забт этишда, бўйсундиришда ўз исботини топган. Демак, қадимда шаҳарлар бутун юртга, мамлакатга, бойликка нисбат берилган. Уларни турли мамлакат ёки «иқлимларда» турлича аташган: қубба, мадинат, полис, болиғ, бозор, таун, град, пур, бург, вилл ва ҳоказолар айтилиш пайтда шаҳарлар географиясининг кенглигидан далолат беради. Бундан кўриниб турибдики, шаҳарлар давлатларнинг сиёсий ҳаётида, уларнинг жаҳон ҳамжамиятида, геосиёсий тузилмасида муҳим рол ўйнайди.

Шаҳарларнинг қудрати уларда мужассамланган иқтисодий салоҳият билан белгиланади. Шаҳарлар, энг аввало, қишлоқ хўжалиги бўлмаган тармоқларнинг ҳудудий ташкил этиш шакли сифатида иқтисодий жиҳатдан самарали, сердаромад, ҳаракатчан (динамик) йўналишларни ўзида мужассамлаштирган. Шу боис ҳар қандай мамлакат миллий иқтисодиётининг таркиби, ривожланганлик даражаси ва халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни, ундаги мавжуд шаҳарлар тизими, урбанизация жараёни билан тавсифланади. Айтилиши мумкин, ҳар қандай мамлакатнинг илмий - техникавий, маданий салоҳиятлари ҳам салмоқлидир.

Шаҳарлар бозор иқтисодиётига ўтишда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Уларда мавжуд бўлган банк-молия тизимларини бозор инфраструктураси маъносида таърифлаш мумкин. Бинобарин, муваффақият мамлакатимизнинг сиёсий ҳаёти ва унинг бозор муносабатларига ўтиш даврида шаҳарларнинг аҳамияти беқиёсдир. Шаҳарларда замонавий тармоқлар, илғор технология жорий этиш имконияти катга; хорижий сармоядорлар ҳам асосан шаҳарлар ва, айниқса инфраструктура тизими мукаммал шаклланган марказларни танлашади. Шаҳарларда товар айрибошлаш, пул обороти (айланиши) фаол бўлади. Буларнинг барчаси шаҳарларга янги қарашни тақозо этади.

Шаҳарнинг маданий - маънавий, диний, тарихий жиҳатларини ҳам унутмаслик лозим. Қадимда, хусусан, дини исломда шаҳарларга ойдеқ

нисбат берилган, улар дорул, байт-ул, шариф каби иборалар билан улуғланган. Агар даштий ёвузлар шаҳарлар ривожланишига қарши бўлган бўлсалар, мусулмон оламида шаҳарларни барпо этиш ва уларни юксалтиришга жиддий эътибор берилган.

Ўтмишда шаҳарларнинг гоҳ авж олиши, гоҳ тушкунликка учраши маданият (цивилизация), ижтимоий ривожланишнинг доимий йўлдоши бўлган ва ана шундай даврий нотекисликлар тарих босқичларини белгилаб турган. Шунинг учун юртнинг тарихи, тавсифи ва тақдири кўп жиҳатдан унинг шаҳарлари билан боғлиқдир.

Ҳар қандай шаҳарлар азалий ва адабий муқаддас жойлардир, чунки бу жойларда буюк авлиё ва алломалар қабри мавжуд. Кўпгина шаҳарлар ана шундай фазилятга эга. Бу борада Макка ва Мадина, Бухоро, Туркистон, Самарқанд, Хива, Тошкент, Термиз, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Чустга ўхшаш шаҳарларни тилга олиш кифоядир.

Шаҳарларимизнинг хосиятли тупроғи, еру суви дунёга машҳур сиймоларни берган. Улар эса исми - шарифлари билан ўз навбатида туғилган ва яшаган шаҳарларни дунёга машҳур қилишган, адабийлаштирган.

Шаҳарларнинг муқаддаслиги қадамжойлар ва мазорлар билан боғлиқ бўлган; қабристонлар шаҳарларнинг ўтмиш сирлари, тарихини сақлайди, улардаги бозорлар эса юртнинг ижтимоий ҳаётини миниатюрада мужассамлантиради. Бинобарин, шаҳарлар шу ўлка, диёрнинг иқтисодий ва социал, ижтимоий географиясини кўзгусидир.

Халқимиз ҳаётида бозорлар азалдан муҳим ўрин тутган; бозори бор жой шаҳар деб юритилган (ҳозир ҳам Хитойнинг Уйғуристонида кичик шаҳарлар район марказлари баъзан бозор деб айтилади). Бозорлар мамлакатнинг турли шаҳарларида ҳафтанинг деярли ҳар кунида навбатма - навбат уюштирилган, айниқса, чоршанба, пайшанба, жума ва якшанба кунлари бозорлар ниҳоятда гавжум бўлган. Шу боис шарқ бозорларининг шаҳар ҳосил қилувчи вазифаси уларнинг шаҳар халқигагина эмас, балки бутун атроф аҳлига хизмат қилишда кўринган. Шаҳарликлар учун бозорлар

хар куни ва бир жойда муқим, барқарор бўлса, қишлоқ аҳлига эса бозор хар куни ва хар жойда бўлган. Бозор кунини оила аъзолари зориқиб кўтишган, шу кунга мўлжалланган маълум мақсадларни режалаштирган; бозор болажонларга совға берган, оилага рузғор юмушларини бажарган, оила ва кўни - кўшни, маҳалла учун ахборот вазифасини адо этиб келган.

Юртимизга турли мақсадда ташриф буюрган саёҳатчилар, мусофир ва бошқалар, энг аввало, шаҳарларимизнинг бозорларини таърифлашган. Шаҳарнинг катта - кичиклиги, мамлакат ва юртда тутган мавқеини бозор ҳажми, унда савдо - сотиқ қилинадиган товарлар, матолар географияси билан баҳолашган. Шу сабабли шарқ маданиятини ва тарихини бозорларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бизнинг «бозор» атамамиз Буюк ипак йўли орқали Европага, улардан эса Америка қитъасига ҳам кириб борган.

Ҳалқимиз ҳаётида бозорлар ҳозир ҳам муҳим ўрин тутди. Агар мазор ва қабристонларда қадриятимиз мустаҳкамлиги, ўтган авлодга муносабатимиз ўз аксини топса, бозорлар юрт бойлиги ва бутлиги, халқ фаровонлигининг кўзгусидир. Бинобарин, шаҳарларни иқтисодий ва социал географик ўрганишда қадамжой ва бозорларга ҳам ҳақли равишда катта эътибор беришни талаб этади.

Юқорида келтирилган шаҳарларнинг қисқача тарихи уларни ўрганишнинг ниҳоятда серқиррали, қизиқарли ва айна пайтда маъсулиятли эканлигидан далолат беради. Бу жумбоқ ёки калавада географлар ҳамма вақт ўзига хос ва бетакрор ўринлари билан ажралиб туради; географик тадқиқот учун шаҳарларнинг, энг аввало, ҳудудий тизим, ҳудудий - иқтисодий ва социал мажмуа, динамик, ҳаракатчан эканлиги муҳимдир. Демак, шаҳарлар географиясининг объекти маълум бир ҳудудда тарихан шаклланган шаҳар ёки шаҳарлар тури, тизимидан иборатдир. Унинг предметини эса қуйидагича таърифлаш мумкин. Шаҳарлар географияси иқтисодий ва социал географиянинг алоҳида тармоғи бўлиб, у турли мамлакат ёки районларда шаҳарларнинг вужудга келиш ва ривожланиш хусусиятлари, уларнинг мураккаб ҳудудий тизимларининг шаклланиш қонуниятларини ўрганади.

Шаҳарлар географияси саноат, транспорт, аҳоли географияси, ҳамда шаҳарсозлик ва район планировкаси, социология, демография, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси каби йўналишлар билан алоқа қилади. Уни ўрганишда географик таққослаш, картография, тарихий, статистик, моделлаштириш ва бошқа методлардан фойдаланилади.

Шу билан бирга шаҳарларни ўрганиш орқали мамлакат ёки вилоятнинг ўтмиши, уларнинг ҳозирга аҳволи, ижтимоий ва сиёсий вазиятидан боҳабар бўлиши мумкин. Айти пайтда шаҳарларнинг геостратегик аҳамияти ҳам катта. Аммо, шаҳарларни аҳоли пунктларининг бошқа шаклидан, жумладан, қишлоқлардан кескин ажратиш ҳам нодурустир. Сабаби, шаҳарларнинг аксарияти, хусусан, бизнинг шароитимизда қишлоқлар негизида шаклланган. Қолаверса, Осиё ёки Шарқ шаҳарлари, аслида шаҳар ва қишлоқларнинг ажралмас бирлигидир.

Назорат учун саволлар

1. Шаҳарлар географияси фанининг география фанлари тизимидаги аҳамиятини сўзлаб беринг.
2. Шаҳарлар географияси фанини ўрганиш объекти ва предмети нимадан иборат?
3. Шаҳарлар географияси фанининг вазифалари ҳақида маълумот беринг.
4. Шаҳарлар географияси фанининг тадқиқот усуллари ҳақида сўзлаб беринг.

2. Шаҳар ҳосил қилувчи асосий омиллар

Таянч сўзлар: *географик ўрин, ўлик шаҳар, ”эски” ва “янги” шаҳар , “шаҳарона урбанизация”, ресурс шаҳар , саноат шаҳри.*

Давлатлар ва иқтисодий районларни ўрганишда, ўлкашуносликда бу ҳудудларнинг умумий таърифидан шаҳарларга ўтилади, яъни шаҳарлар мамлакатлар ички тузилиши, хўжалик таркиби ва ҳудудий тафовутларни билиб олишда таҳлил қилинади. Демак, бундай анъанавий йўналишда шаҳарлар ўлка, ҳудуд иқтисодий таърифининг поёнида, яқиний бўғинидан ўрин олган. Бироқ бу масалани аксинча, муқобил равишда ҳам ҳал этиш имконияти бор: шаҳарларнинг жамият ҳаёти ва унинг социал - иқтисодий тузилмасини аниқ ва асосий ҳудудий шакли эканлигидан келиб чиққан ҳолда мамлакат тавсифини, унинг шаҳарларидан бошлаш мумкин.

Шаҳарлар мамлакат ва иқтисодий районлар географиясида ўрганилиши билан бир қаторда улар алоҳида тадқиқот объекти бўлиб ҳам хизмат қилади. Бу борада, яъни шаҳарларни иқтисодий географик ўрганиш таркиби ҳақида илмий - услубий адабиётларда кўпгина таниқли олимларнинг кўрсатмалари мавжуд. Албатта, шаҳарларни ўрганиш авваламбор уларнинг тарихи, келиб чиқиши, генетик хусусиятларини таҳлил қилишдан бошланади. Натижада, асосан тарихий манбаларга таянган ҳолда, ўрганилаётган шаҳар ёки шаҳарларнинг нима учун айнан шу жойда ва ўтмишнинг айнан шу босқичида вужудга келганлиги ёритилиб берилади.

Шаҳарларни ретроспектив ўрганиш тарихий тамойилга биноан бажарилади: қўйилган мақсад нуқтаи назаридан ўтмиш маълум тарихий даврларга бўлинади ва ҳар бир даврнинг шаҳар (шаҳарлар) шаклланиши ва ривожланишига бўлган таъсири тадқиқ этилади. Аммо, бу ерда тарихнинг «икир - чикирига» ўтиб кетилмайди, география тарих учун эмас, аксинча тарих географияга хизмат қилиши керак.

Мамлакатимиз шаҳарларини ўрганишда, уларни бунёд этилганлигидан бошлаб, ҳозирги кунгача босиб ўтган йўлидаги асосий тарихий, даврий воқеалар қисқача кўрилиб чиқилади ва улар мавжуд борлиқдан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Бошқача килиб айтганда, шаҳарларнинг тарихи вужудга келган ва ривожланиб кетган давр нуқтаи назаридангина эмас (бу асосан тарихнинг вазифаси), балки уларнинг ҳозирги вақтдаги ҳолатидан келиб чиқиб ҳам таҳлил, қилинади. Тарихий география учун эса ҳар бир ҳодиса ўша даврдан келиб чиқиб таҳлил этилиш ва баҳоланиши лозим. Зеро, Гераклит айтганидек, «Айни бир оқимга бир вақтнинг ўзида икки марта тушиб бўлмайди». Чунки, иккинчи марта кирганда оқим (сув) ҳам, унга тушувчи ҳам илгарисидек эмас, ўзгарган бўлади.

Ўзбекистон шаҳарларни ўрганишда, уларнинг қадимий ва бой тарихидан ташқари, рус ва советлар империяси давлари ҳам кўриб чиқилади. Шундан сўнг шаҳарлар шаклланиши ва ривожланишидаги мамлакатимизнинг мустақиллик даврига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўрганилаётган шаҳар ёки шаҳарлар тарихига кўра, уларнинг генетик турлари ажратилади, «янги» ва «эски» шаҳарлар гуруҳи аниқланади. Эндиги шароитда «янги шаҳарларни» собиқ советлар даврида вужудга келганлиги билан асослаш нодурустдир. Қолаверса, янги шаҳар тушунчасининг ўзи ҳам нисбийдир. Кенг маънода, юртимизнинг янги тарихига мувофиқ «янги шаҳарлар» деб уларни Туркистон Россия томонидан забт этиб олинган (XIX аср ярми) даврдан сўнг пайдо бўлганларини айтиш мумкин. Бундай шаҳарлар туркумига Фарғона (Янги Марғилон, Скобелов), Когон (Янги Бухоро), Тўрткўл (Петроалександровск)лардан бошлаб кейинги йилларда вужудга келган барча шаҳарлар киритилади. Шу маънода собиқ; СССР даврида барпо бўлган шаҳарлар (Навоий, Зарафшон, Ширин, Дружба, Маржонбулок, Толимаржон, Янгиер ва бошқалар) ҳам янгилар қаторига киради. Аммо иқтисодий ва социал география нуқтаи назаридан қараганда бутунлай «бўш» ёки ўзлаштирилмаган жойларда ҳамда кейинги қисқа даврда аҳолиси ва

хўжалиги кескин ривожланган ва тацқи қиёфаси тубдан ўзгарган манзилгоҳларни том маънодаги янги шаҳарлар деб аташ туғрирокдир.

Шаҳарлар географиясини ўрганишдаги навбатдаги босқич уларни катта-кичиклиги бўйича табақалаштириш (классификациялаштириш)дан иборатдир. Бу ерда қўйилган мақсад ва тадқиқ қилинаётган объект хусусиятидан келиб чиқиб, шаҳарлар тури аҳоли сони бўйича турли даража ёки классларга ажратилади. Энг аввало улар, 3 гуруҳга: катта, ўрта ва кичик шаҳарларга бўлинади, махсус тадқиқотларда эса янада кенгрок; классификация қўлланилади. Табиийки, катта ёки кичик шаҳар тушунчаси ҳам нисбийдир. Масалан, Тошкент даражасидан ҳатто азим Самарқанд ёки Наманган ҳам кичик шаҳардир (Японлар «шаҳар нима?» саволига «бу Токиодир» деб жавоб беришган экан). Айни пайтда мамлакатимиз қишлоқ жойлари, ичкарисидан қараганда туман маркази — кичик шаҳар ҳам улар учун катта, улкан кўринади. Мисол учун Қашқадарёнинг Қамашини ёки Чироқчинини аҳолисининг нигоҳида шаҳар - бу, энг аввало, Қамашини ва Чироқчидир; Қаршини, Самарқанд, Тошкент эса улар учун ниҳоятда улкан, азим шаҳар ҳисобланди.

Демак, шаҳарларни миқдорий жиҳатдан турлича баҳолаш сунъийликка эга экан. Бироқ бундай қараш, одатда оддий халқ, ҳаётини ва анъанавий, кундалик андозаларга мос келади, холос. Илмий изланишларда эса ҳар бир тадқиқот объекти учунгина эмас, балки мамлакат миқёсида расмий равишда қабул қилинган маълум андозаларга амал қилиш керак. Бу айни пайтда, турли вилоят ва мамлакатлар шаҳарларини қиёсий географик ўрганишда ҳам қўл келади.

Шаҳарлар келиб чиқиши ва уларни классификациялаш натижалари махсус статистик жадвал, диаграмма, график ва хариталар ёрдамида тасвирланиши шарт. Жумладан, шаҳарлар табақаланишини пирамида шаклида кўрсатиш ҳам ниҳоятда мақбул усул ҳисобланади. Чунки, бундай тасвирда мамлакат ёки вилоятнинг қайси бўғинидаги шаҳарлари кўп ёки кам, кучли ёки заифлиги ва ушбу муаммони ҳал этиш йуллари, манбалари яққол

кўринади. Айни чоғда, бу ҳолат мамлакат ёки район хўжалигининг ҳудудий мужассамлашув хусусиятини акс эттиради.

Шаҳарлар микдорий даражалари билан бирга, улар сифат кўрсаткичлари, бажарадиган вазифалари (функциялари) бўйича ҳам бир - бирига ўхшаш эмас. Маълумки, жуда кўп шаҳарлар турли мақомдаги маъмурий марказ вазифасини ўтайдилар. Улар орасида кўпчиликни туман марказлари, ундан камроғини - вилоят ва фақат биттаси эса мамлакат маъмурий - сиёсий, яъни пойтахт функциясини бажаради.

Хўжалик жиҳатидан ёндошганда, жуда кўп шаҳарлар саноат ва транспорт маркази, айримлари дам олиш (рекреация), фан марказлари ҳисобланади. Шаҳарларнинг бажарадиган вазифасини, ихтисослашувини аниқлашда, асосан банд бўлган аҳоли таркиби таҳлил этилади. Шунга кўра, саноат, транспорт ёки фан-техника марказлари ажратилади. Саноат шаҳарлари ичида кўп тармоқли саноат маркази, оғир ва енгил саноат, ресурс шаҳарлар каби функционал типлар белгиланади. Агарда ана шундай шаҳарлар тоифалари уларнинг Катта - кичиклиги, босқичлари билан биргаликда кўрилса, тадқиқот янада чуқур ва самарали бўлади.

Ўрганишлар натижасида, шаҳарлар иқтисодий географиясининг энг муҳим қонуниятлари ўз исботини топади. Бу ҳам бўлса, шаҳарларнинг бажарадиган вазифаси - ихтисослашуви, функцияси уларнинг катта ёки кичиклигини белгилашидир.

Шаҳарларни ўрганишда, уларнинг иқтисодий географик ўрни, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва ҳудудий ташкил этиш шаклларига алоҳида эътибор бериш керак. Бу борада айниқса, ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви, ихтисослашуви, кооперация ва комбинатлашувини, саноат тугуни ва мажмуаларини тадқиқ қилиш муҳимдир. Бундай иқтисодий кўрсаткичлар статистик усуллар, ҳисоб-китоблар ёрдамида аниқланади, шаҳарлар кўрсаткичлари бошқа шаҳарлар ва мамлакатлар ўртача ҳолати билан таққосланади.

Жумладан, мужассамлашув ва ихтисослашув коэффиценти ва индекслари, тармоқларнинг турланиши (диверсификацияси), аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулоти, ривожланганлик даражаси ва бошқалар ҳисоблаб чиқилади.

Маълумки, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида, ишлаб чиқаришнинг юқори даражада мужассамлашуви, йирик корхоналарни қуриш кўп жинсдан мақбул эмас. Шу сабабдан бугунги шароитда саноатни жойлаштириш асосида шаҳарларнинг вужудга келиши ва уларнинг кескин ривожланиши нисбатан кам учрайдиган ҳолатдир. Бундан улкан кўшма корхоналар, қурилаётган Асака, Қоровулбозор шаҳарлари мустаснодир,

Шу билан бирга, азалдан мавжуд бўлган кичик шаҳарлар муаммоси ҳозирги кунда бошқача маъно касб этади. Бундай шаҳарларнинг бирдан -бир ижобий имконияти, уларда меҳнат ресурсларининг кўплиги, қишлоқ районларига яқинлигидир. Бирок, кичик шаҳарлар молиявий жиҳатдан заиф, ўз -ўзларини бошқаришлари қийин ва давлат ёрдамига муҳтож. Унинг устига, мазкур шаҳарларда малакали ишчи ходимлар оз, замонавий инфраструктура тизими тўла шаклланмаган. Бинобарин, кичик шаҳарларимизга катта муаммолар хос, деб айтишимиз мумкин.

Ана шундай шароитда, хорижий сармоядорлар кўпроқ катта шаҳар муҳитини истайдилар, кўшма ва кичик корхоналар қуриш имкониятлари ҳам бундай шаҳарларда кенгрок. Демак, эндиги шароитда, катта шаҳарларда кичик корхоналар кўпроқ яратилмоқда, кичик шаҳарларда эса, агар улар моддий ва молиявий қўллаб- қувватланса, йирик саноат корхоналари ҳам қурилади. Аммо барча кичик шаҳарларни бундай ривожлантириш мумкин эмас: вақт ҳам, капитал маблағ, сармоя ҳам етишмайди. Бинобарин, кичик шаҳарларнинг айримларигина танлаб олинади ва улар ўсиш кутби ҳамда маркази сифатида ривожлантирилади. Бундай шаҳарларни ажратиб олиш эса, уларнинг кўп омилли таҳлил этилиши ва баҳоланиши (иқтисодий географик ўрни, меҳнат ва хом ашё ресурслари, экологик ҳолати, транспорт ва бошқа

инфраструктураси, функцияси, катта-кичиклиги ва х.к.) асосида амалга оширилади.

Шаҳарларни иқтисодий географик ўрганишда, уларнинг транспорт функциясига ҳам алоҳида эътибор берилди. Шаҳар ва транспорт йўллари ўзаро чамбарчас боғлиқ: бири иккинчисисиз бўлмайди, йўллар шаҳарларга келади, шаҳарлардан йўллар кетади. Хуллас, шаҳарлар ва йўллар бу мамлакатнинг иқтисодий асоси, «қовурғаси» ҳисобланади.

Шунингдек, шаҳарларнинг социал функциялари, фан ва таълим тизими, маданияти, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, экологик вазияти, аҳолисининг ўсиши каби масалалар ҳам ўрганилади. Шу ўринда пойтахт шаҳарларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи, халқаро ва дипломатик алоқалар, сиёсий ҳаёти, энг аввало, унинг пойтахти билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, оламшумул ва умумбашарий муаммолар хусусида расмий сўз юритилганда, одатда давлатларнинг пойтахти номидан гапирилади. Шу боис, пойтахт шаҳарларнинг «юки», масъулиятлари ниҳоятда вазмин: улар бир томондан мамлакатни, ҳудудий - сиёсий жиҳатдан ташкил қилиш, бошқариш вазифасини адо этса, иккинчи томондан бундай марказлар давлатни жаҳон миқёсига муносиб равишда олиб чиқишлари керак. Айнан ана шу маънода ҳар қандай давлат ўз тақдирини пойтахтига топширади.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликка эришуви муносабати билан унинг пойтахти - Тошкент жаҳон геосиёсий тузилмасининг субъектига айланди. Авваллари Тошкент собиқ Иттифоқ пойтахти - Москва «соясиди» қолган бўлса, энди у дунёдаги барча мамлакатлар билан тўғридан - тўғри муомила қилади. Демак, пойтахт шаҳарлар ривожланишига алоҳида эътибор берилиши қонуний ҳолдир. Сабаби - юртимизга келганлар, авваламбор, унинг пойтахтига қараб баҳо бериб кетадилар. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз шаҳарларининг сардори, қарвонбошиси, дорулсалтанати Азим Тошкент шаҳрининг мустақиллик шарофати билан қисқа вақт ичида қиёфасини тубдан ўзгариши қувончли ҳолдир.

Пойтахт билан бир қаторда вилоят марказлари, йирик саноат шаҳарлари, қадимий шаҳарларни ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга (чунки ҳар қандай пойтахт ўз атрофи, ўлкалари билан кучли). Шу ўринда шаҳарлар географияси билан шаҳар географиясини фарқ қила олиш керак. Биринчисида, мамлакат ёки вилоятларнинг шаҳарлар тўри, таркиби ва тизими тадқиқ; этилса, иккинчисида алоҳида олинган бир шаҳар ўрганиш объекти шаклида намоён бўлади. Бундай микрогеографик, йирик масштабли тадқиқотлар бизда, афсуски, ҳозирча кам бажарилади (хорижий давлатларда бу йўналиш анча илгарилаб кетган). Ваҳоланки, шаҳарлар ички географиясини, ҳудудий тузилишини ўрганишнинг муҳим амалий (конструктив) жиҳатлари мавжуд. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар, анъанавий иқтисодий географик ўрганишларни, социал географик изланишларга яқинлаштиради, лойиҳалаштириш ва шаҳарсозликда, уларни режалаштиришда жуда қўл келади. Бундай ишларни бажаришда диаграмма, статистик жадвал ва графиклардан ташқари махсус социологик усулларни, анкета - сўровлар ўтказишни унутмаслик керак.

Шаҳарлар функциясининг таҳлили, уларнинг демографик жараёнларини ўрганиш билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ. Зеро, шаҳарларнинг ривожланиши, амалда, улардаги аҳоли миқдори, унинг ўсиш суръатларида ўз аксини топади. Шунинг учун, шаҳарлар аҳолиси сонининг динамикаси, табиий ва механик ҳаракати, ёш ва жинсий, миллий таркиблари қисқача кўриб чиқилади, тадқиқот натижалари жадвал, график ва карталарда тасвирланади.

Геоурбанистикада шаҳарларнинг катта-кичиклиги, зичлиги, улар орасидаги масофа, урбанистик ва ҳудудий-урбанистик таркиби ҳам ўрганилади. Шунингдек, шаҳар манзилгоҳларининг ҳудудий ташкил этилишидаги, мураккаб шакллар - шаҳарлар агломерациялари мамлакат ёки вилоят шаҳарлари географияси доирасида ва шу билан бирга алоҳида тадқиқот объекти даражасида кўрилиши керак.

Урбанистик таркиб деганда, шаҳарлар тури ва таркиби катта шаҳарларнинг мавжудлиги ва мавқеи тушунилади. Худудий урбанистик таркибда, эса, мамлакат турли район ва вилоятларнинг ҳар хил босқичдаги шаҳарлар ва хусусан, йирик марказлар билан таъминланганлик даражаси назарда тутилади.

Шаҳарлар ривожланиши, урбанизация жараёни билан биргаликда ўрганиб борилади. Аммо, бу оламшумул ходиса мамлакат тарихи, анъаналари, ишлаб чиқаришнинг тармоқлар таркиби, ихтисослашуви ва худудий ташкил этиш шаклларида келиб чиққан ҳолда баҳоланиши зарур. Шу жиҳатдан ёндошганда Ўзбекистоннинг урбанизация жараёнида ҳам ўзига хос ва мос, бетакрор йўли бўлмоғи табиийдир.

Шаҳарларни географик ўрганишда, фақатгина илмий адабиётлар ёки хариталар кифоя қилмайди. Бунинг учун ўша шаҳарларнинг мумкин қадар бевосита кўриш зарур. Кўрганда ҳам, шаҳар марказидаги меҳмонхонада яшаб кетишнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун, шаҳарнинг турли томонини жонли равишда кузатиш, чор атрофи билан бевосита танишиш ва шу асосда, унинг худудий кўлами ва ички тафовутлари тўғрисида тассавур ҳосил қилмоқ лозим.

Айни пайтда, фақат шаҳарининг ўзини алоҳида олиб қараш, уни ёпиқ тизим шаклида фараз қилиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бу эса мантикий жиҳатдан ҳам тўғри эмас. Чунки, ҳар қандай шаҳар ўз атрофисиз, қишлоқ жойларисиз, мутлақо ажралган ҳолда вужудга келмайди ва ривожланмайди. Шаҳарлар, мисли тоғ рельефидек, иқтисодий харитада ўзига хос чўққиларни акс эттиради ва бу нуқталар фақат атроф муҳит, маълум худуд даврасидагина яққол кўзга ташланади. Ушбу объектив борлиқдан келиб чиқиб, шаҳарлар ёки шаҳар географиясини, уларнинг барпо бўлиши, ҳозирги куни ва келажагини атроф жойлар билан биргаликда ўрганилади. Зеро, айнан шу худуд имконияти, қудрати ва салоҳияти туфайли бу шаҳар бўртиб чиққан, юксалган.

Шундай қилиб, шаҳар ёки шаҳарларни географик ўрганишда қуйидаги тартибга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

1.Кириш.

2.Шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланишига таъсир этувчи табиий ҳамда социал - иқтисодий шарт ва шароитлар.

3.Шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари (тарихий - географик таҳлил).

4.Шаҳарларнинг ҳозирги ахволи:функционал типлари, уларнинг классификацияси, шаҳарлар саноати, демографияси, социал шароити, транспорти ва хоказо.

5.Шаҳарларнинг ҳудудий тизимлари, шаҳарлар агломерацияси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

6.Шаҳарларнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланишидаги асосий муаммолар.

7 .Шаҳарлар ривожланишининг башорати, устивор йўналишлари.

8. Хулоса.

Юқорида келтирилган тартиб (схема) маълум ҳудуд шаҳарлар туркумини ўрганишга мослаштирилган. Шубҳасиз, бу бандларнинг орасида энг муҳими ва марказийси 4-қисм, яъни шаҳарларнинг ҳозирги ҳолати ҳисобланади. Бинобарин, унинг тавсифи ҳам мураккаб ва кенг қамровли бўлади. Агар алоҳида бир шаҳар ўрганиладиган бўлса, у ҳолда шаҳарнинг микрогеографияси ва атрофига ҳам эътибор берилади. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда тизим-таркиб тамойилига асосланади.

Назорат учун саволлар

1. Шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланишига таъсир этувчи табиий ҳамда социал - иқтисодий шарт ва шароитлар ҳақида сўзлаб беринг.

2. Шаҳарларнинг ҳудудий тизимлари, шаҳарлар агломерацияси ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига тавсиф беринг.

3. Шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги асосий муаммолар ҳақида сўзлаб беринг.

3. Шаҳарларнинг тарихий шаклланиши ва «шаҳар» ҳақида тушунча.

Таянч сўзлар: *Ижтимоий меҳнат тақсимоти, кулдорлик даврида шаҳарлар ривожланиши, феодализм даврида шаҳарлар ривожланиши, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари*

Шаҳарларнинг ҳам тарихи узоқ. Бироқ бу тарих инсоният тарихидан қисқа бўлиб, бу давр ғамият тарихига мос келади. Шаҳарлар ғамиятнинг ҳудидий бирикмаси (социуми) шаклида синфий тузум, яъни кулдорлик даврида кўпроқ ривожлана бошлади. Умуман олганда, шаҳарларнинг вужудга келишини ижтимоий меҳнат тақсимоти билан боғлайдилар.

Маълумки, дастлабки ижтимоий меҳнат тақсимоти деҳқончиликнинг чорвачиликдан ажралиб чиқишидир. Деҳқончилик, хусусан суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши муҳим, доимий (стационар) аҳоли манзилгоҳларининг барпо бўлишига сабаб бўлди. Дастлабки суғориш иншоотлари ёки воситаларини кўпчилик қураб эди, ундан кўпчилик фойдаланар ва уларни кўпчилик қўриқларди Шу асосда кишиларнинг қадимий ғамоаси вужудга келади. Аммо бу ғамоа (ғамият эмас), кишиларнинг ҳудудий бирлиги у даврда шаҳар ҳам қишлоқ ҳам деб айтилмасди.

Шаҳарлар эса ижтимоий меҳнат тақсимотининг навбатдаги босқичи, яъни деҳқончиликдан ҳунармандчилик ва савдонинг ажралиб чиқиши натижасида пайдо бўлди. Ушбу касбдаги кишилар, бевосита қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдилар ва бинобарин, улар ҳар-хил меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш, ҳамда товар айирбошлаш (алмаштириш)да воситачилик вазифасини бажарган, қулай жойда ўрнашган аҳоли пунктларида яшаганлар. Кейинчалик бундай жойлар «шаҳар» деб аталган.

Кулдорлик даврида шаҳарлар қул савдоси маркази бўлган. Айни шу вақтда, улар давлат марказлари вазифасини ҳам ўтаганлар. Натижада, шаҳар-давлат (города-полисы) вужудга келган. Масалан, Рим, Афина, Византия, Вавилон, Бухоро, Самарқанд (Мароқанд) шулар жумласидандир.

Феодализмда шаҳарлар ривожланишининг ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги, ердан фойдаланиш билан (феод-ер) боғлиқ бўлган. Бу даврда шаҳарлар катга ҳудудларнинг сиёсий, диний, иқтисодий ва маданий ҳамда савдо марказлари функциясини бажарган.

Шаҳарларнинг жадал тараққий этиши, ҳозирги замон урбанизация жараёнининг ривожланиши кўп мамлакатларда капиталистик ишлаб чиқариш, иқтисод, молия, транспорт ва бошқа соҳаларнинг мужассамлашуви асосида содир бўлган. Бизнинг ўлкамизда эса шаҳарлар анъанавий равишда (шарқ маданиятига хос ҳолда) суғорма деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик негизида ривожланиб келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «шаҳар» тушунчаси, барча эл ва юртларда, мамлакат ва музофотларда айнан бир маънода талқин қилинмайди, улар бундай мақомда турли давлатларда турлича белгиланади. Чунончи, ислом дини мамлакатларида шаҳарлар (куббалар) авваломбар бозор ва масжидларнинг сони билан белгиланган. Ғарб мамлакатларида шаҳарлар аҳоли сони ва зичлиги, жойларнинг архитектураси ва қурилиш шакли, манзилгоҳнинг бажарадиган вазифасига ўхшаш мезонлар орқали ажратилган. "Ўзбекистонда 1972 йилдан бери аҳоли манзилгоҳининг шаҳар мақомини олиши учун энг камида 7 минг аҳолига эга бўлиши ҳамда уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда банд бўлмоғи шарт.

Шаҳарлар мураккаб тушунча. Шу боис улардан турли фан вакиллари ҳар хил талқин қиладилар. Масалан иқтисод учун шаҳар асосан ишлаб чиқариш, энг аввало саноат маркази, социология учун узига хос яшаш муҳити, тарихчи учун ўтмишдан гувоҳлик берувчи жойдир ва х.к. Иқтисодий географияда эса шаҳар - бу қишлоқ хўжалиги бўлмаган соҳалар ва улар билан шуғулланувчи аҳолининг ҳудудий ташкил этиш шаклидир; у динамик ижтимоий - иқтисодий тизим (система) ҳисобланади.

1.Қадимги шаҳарлар (эрамизнинг V асригача).

Илк шаҳарларнинг вужудга келиши, асосан дарёбўйи цивилизацияси билан боғлиқ. Қадимги Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Хитой каби давлатларда эрамиздан аввалги 4-3-минг йилликларда шаҳарлар бўлгани тарихий манбалардан маълум. Ур, Урук, Лагаш, Киш, Ҳараппа, Бобил, Ниневия, Мемфис энг қадимги шаҳарлардан ҳисобланади.

Илк Месопотамиядаги шаҳар - Урда аҳолисининг табиий кўпайиши ҳозирги табиий кўпайишга ўхшамаган. Шаҳарлар ўлчами 370х240 м бўлиб, кенг тўғри кўчали, пишган гиштдан қурилган. Социал ҳудудий жойлашув оддий бўлган. Блоклар ёки чегаралар билан махсус тикувчилар, кулоллар, ва бошқа районлар алоҳида ажратилган. Шаҳарлар атрофи билан умумий ҳудуд 640 акр (250 гектар) ва аҳолиси 20 000 дан ортиқ бўлган.

Ҳараппа қироллиги эгизак пойтахтдан алоҳида тарзда мутлақ кучга эга бўлган роҳиб-қирол томонидан бошқарилган. Милoddан аввал 2000-йилликларгача Шумер шаҳар давлатларида савдо белгилари бўлган. Лекин ўзгармас моддий маданият ва ҳозиргача олимлар томонидан охиригача қисман ўқилган ёзувлар шуни англатадики, Нил дарёси шаҳарларидан фарқли равишда, Ҳараппа маданияти ва шаҳарлари мустақил равишда пайдо бўлган. Бир аср давомида барқарор ривожланганига қарамай, Ҳараппа цивилизацияси босқинчилар томонидан м.авв. 1500-йилда бузиб ташланган. Месопотамия шаҳарлари м.авв. 2000-йилларда мавжуд бўлган. Мезоамерикадаги бир қанча цивилизациялар эса, масалан, Мая, 300-1000-йилларда энг ривожланган цивилизациялардан бўлган. Тикал, Ваксастум, Маяпан каби шаҳарлар кичик давлатларнинг пойтахти бўлиб, роҳиб томонидан тайинланган бошқарувчи томонидан бошқарилган ва озод конфедерацияга бирлаштирилган (*М.Пационе, 2009,33-б.*).

2.Ўрта аср шаҳарлари (VI-XVI асрлар). Феодализмда шаҳарлар ривожланиши ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги, ердан фойдаланиш билан (феод - ер) боғлиқ бўлган. Бу даврда ижтимоий меҳнат тақсимооти янада чуқурлашиб, шаҳарларнинг савдо (денгизбўйи савдоси) ва ҳарбий

стратегик аҳамияти ортади, улар катта ҳудудланинг сиёсий, диний, иқтисодий ва маданий ҳамда савдо марказлари функциясини бажарган. Натижада Париж, Москва, Венеция, Мадрид, Лондон, Деҳли, Гуанчжоу, Агра шаҳарлари бу даврнинг йирик шаҳарларига айланган. Буюк географик кашфиётлар денгизбўйи шаҳарларининг ривожланишини тезлаштиради.

Аҳоли сони мазкур давр бошларида урушлар, эпидемиялар оқибатида секинлик билан ўсиб, давр охирларида эса тез ўсган. Европанинг энг йирик шаҳарларида 200-500 минггача аҳоли яшаган, Осиёда эса улар анча кўп -1-2 млн. гача аҳолига ега бўлган (*Гуанчжоу, Деҳли, Чанян*).

3.Ишлаб чиқариш шаҳарлари (XVII-XX асрнинг биринчи ярми).

Мазкур даврда шаҳарларнинг шаклланиши ва жадал тараққий этишининг асосини машиналашган саноат ташкил этади. Ижтимоий ва географик меҳнат тақсимооти такомиллашиб, кўплаб аҳоли қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб кела бошлайди. Шаҳарлар аҳоли ва ишлаб чиқариш мужассамлашган йирик марказларга айланади. Дунёдаги энг биринчи саноат шаҳри - Буюк Британиядаги саноат инқилоби рўй берган Манчестер шаҳри ҳисобланади. Чикаго, Кёльн, Эссен, Детройт, Нью-Йорк, Петербург, Амстердам, Лондон, Париж каби шаҳарлар саноат ишлаб чиқариши асосида жадал ривожлана бошлаган.

1800-йилгача Лондон ўзининг 900 000 аҳолиси билан дунёда энг катта шаҳар бўлган. 1801-1851-йилларда Бирмингем аҳолиси 27,3 % ортиб, 71 000 нафардан 256 000 нафарга кўпайди, Манчестерда эса шу даврда 75 000 нафардан 338 000 нафарга ортди (351%). Глазгода аҳоли сони 84 000 кишидан 350 000 кишига кўпайди (317 %). Саноат шаҳарлари XIX асрда шаҳарларнинг ривожланаётган аҳолисига кўрсатилаётган урбанистик хизматлар ва инфраструктурасига улкан зарба бўлиб қўшилди. Жамоат санитарияси ва сув таъминоти номуносивблиги юзага келди ва нисбатан паст қатлам истиқомат қилувчи ҳудудларда сув таъминоти деярли мавжуд бўлмаган. Ўрта аср Лондонида 200 000 дан ортиқ дренажсиз қудуқлар мавжуд бўлиб, Темза дарёси виртуал очик канализацияга айланиб қолган. Бу

каби ҳолат бошқа йирик саноат шаҳарларида ҳам кузатилган ҳамда вабо, тиф каби касалликлар камбағаллар ўртасида тарқалгани ҳайратланарли ҳолат эмас. 1832-йилда вабо эпидемияси 5000 лондонликни ўлимига сабабчи бўлган бўлса, худди шу йили Глазгода 2800 кишини ҳаётдан олиб кетди. Бойлик, танлов имконияти аҳоли гуруҳлари ўртасида турлича бўлган (*М.Пационе, 2009, 49-б*). Ривожланган давлатларда шаҳарлар йирик ишлаб чиқариш марказлари бўлиши билан бир қаторда, аҳоли табақаланишига асосланган бой ва қашшоқ кварталлар, транспорт тирбандлиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ишсизлик, жиноятчилик каби муаммолар кескинлашади. Аҳоли кўпайиши, табиий ресурсларнинг кўплаб ўзлаштирилиши, йирик саноат корхоналарининг ортиши шаҳарлар, айниқса, пойтахт шаҳарларнинг марказлашувига сабаб бўлди.

4.Постиндустриал шаҳарлар (1970-йиллардан ҳозирги кунга қадар). Фан-техника инқилоби натижасида, саноат етакчилиқ қилгани ҳолда, шаҳарларнинг илм-фан, техник-иқтисодий, молиявий, сиёсий-маданий функциялари ортиб боради. Улар кўп функцияли шаҳарларга айланиб, мураккаб шаҳар тизимларини (шаҳар агломерациялари, мегалополислар) шакллантиради.

Бу давр жаҳон миқёсида глобаллашиш жараёнининг юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, халқаро иш юритиш, молия-кредит, иқтисодий-маданий, савдо, сиёсий-ташкилий функциялар шаҳарлар ривожланишининг асосини ташкил этади. Бундай функцияларнинг такомиллашиб бориши натижасида халқаро миқёсда иш бажарувчи “дунёвий шаҳарлар” вужудга келмоқда, масалан, халқаро молиявий марказлар - Лондон, Бирмингем, Цюрих, Женева; халқаро туризм марказлари - Сингапур, Куала-Лумпур, Париж; иқтисодий марказлар - Нью-Йорк, Токио, Сеул; сиёсий марказлар - Гаага, Вена ва ҳ.к. Республикамизда бозор муносабатлари шароитида шаҳарлар сиёсий-маданий, иқтисодий-молиявий, илмий-техникавий, инвестиция ва инновация марказлари сифатида ривожланмоқда.

Назорат саволлари

1. 20-асрнинг 50-йилларида шаҳарлар турининг ривожланиши хусусида сўзлаб беринг.
2. 60-70-80 йилларда шаҳарларнинг ривожланиши масалалари хусусида сўзлаб беринг.
3. 80-йиллардан ҳозирги вақтга қадар шаҳарлар ривожланиши жиҳатларига таъриф беринг.

4. Шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни

Таянч сўзлар:*Иқтисодий географик ўрин, макро, мезо ва микрогеографик ўрин, транспорт, географик, гидрогеографик, демогеографик, агрогеографик*

Иқтисодий ва социал географиянинг муҳим тушунчаларидан бири иқтисодий географик ўрин (ИГУ) айниқса шаҳарларга хос. Сабаби - шаҳарлар ҳудудий бирлик сифатида яққол ва яхлитдир. Бинобарин, уларнинг географик ўрни ҳам дарҳол кўзга ташланади.

Шаҳарларнинг иқтисодий (уларнинг табиий географик, сиёсий географик, математик ўринлари ҳам мавжуд) географик ўрин деганда биз маълум бир шаҳарнинг ўзидан ташқарида ётган географик объектларга нисбатан жойлашганлиги ва бу объектларнинг шаҳар иқтисодий ривожланишига таъсирини тушунамиз.

Шаҳардан ташқарида, унинг ён атрофида ўрнашган географик объектлар тоғ, кўл, дарё, йўл, кон, бошқа аҳоли манзилгоҳи, қишлоқ хўжалиги далалари, давлат чегаралари, электр станциялари, суғориш иншоотлари, рекреация объектлари ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Уларнинг шаҳарга таъсири, тарихий ва айни пайтда иқтисодий мазмунга эга бўлиши керак.

Иқтисодий географик ўриннинг тарихийлиги шундаки, бу ўриннинг қулай ёки ноқулайлиги давр ўтиши билан ўзгарувчан, бир вақт қулай бўлган ўрин кейинчалик ноқулай ва аксинча бўлиши мумкин. Бироқ умумий қонуният шундан иборатки, шаҳарлар ўз иқтисодий географик ўринларини яхшилашга интиладилар.

Шаҳарнинг иқтисодий географик ўрни ҳам мураккаб, унинг ичида транспорт, географик, гидрогеографик, демогеографик, агрогеографик каби йўналишлар мавжуд. Шубҳасиз, буларнинг орасида энг муҳими транспорт географик ўриндир.

Иқтисодий географик ўрин - уч босқичга эга: макро, мезо ва микрогеографик ўрин. Бу босқичларнинг ҳудудий кўлами ва қамрови бир хил эмас. Масалан, микро - географик ўрин шаҳарнинг бевосита ўрнашган жойи, унинг энг яқин атрофи бўлса, мезо - географик ўрни эса шаҳарнинг нисбатан кенгроқ ва каттароқ ҳудуддаги мавқеидир; макро-географик ўрин ўрганилаётган шаҳарнинг янада улканроқ ҳудуддаги ҳолатини ишлатади. Бу ерда шуни унутмаслик лозимки, муайян бир шаҳарнинг мезо ёки макрогеографик ўрни бошқа шаҳар учун (хатто улар қўшни жойлашган бўлса ҳам) ҳудуд кўлами жиҳатидан тўғри келмайди. Бу шаҳарнинг катта - кичиклиги, бажарадиган функциясига боғлиқ. Масалан, Тошкентнинг мезогеографик ўрни (у Марказий Осиё минтақаси билан белгиланиши мумкин) Чирчиқ ёки Бекободнинг, Наманган ёки Қаршининг мезогеографик ўрнига мувофиқ келмайди; аксинча, бу шаҳарлар учун Марказий Осиё макрогеографик мазмунга эга бўлиши мумкин.

Тошкент вилоятидаги Бўка шаҳрининг макрогеографик ўрни эса жуда нари борса, Тошкент вилояти ва унга туташ бўлган кичик ҳудудлар доирасида белгиланади. Ахир, Бўканинг район маркази, кичик шаҳар эканлигини Қирғизистон ёки Тожикистон, Оролбўйи ёки Фарғонада ҳамма билмайди-да!

Шаҳарнинг вужудга келиши, айнан шу жойда ўрнашганлигига энг аввало унинг микрогеографик ҳолати сабабчи бўлади. Бу тоғ ёнбағри, дарёнинг қуйилиш жойи ёки унинг қирғоғи, тепалик ва бошқа жойида, бўлиши мумкин. Вужудга келган шаҳарнинг кейинчалик гуркираб ривожланишида эса унинг мезо ва макрогеографик ўринлари катта роль ўйнайди. Демак, агар микрогеографик ўрин ноқулай бўлса, шаҳар худди шу жойда вужудга келмаган бўларди (бундай қадимий шаҳарлар харобаларини Ахси, Насаф, Поп, Косонсой, Қиёт ва бошқа жойлар кўриш мумкин). Баъзи шаҳарлар, масалан, Чуст, Денов, Ғиждувон, Нурота, Пискент, Хива кабилар жуда катта тарихга эга бўлишига қарамай, улар ҳамон кичик шаҳар даражасида қолмоқдалар. Эҳтимол, бунинг сабаби, уларнинг мезогеографик

ўрнини ноқулайлиги бўлса ажаб эмас. Айни вақтда, унча катта тарихга эга бўлмаган Навоий ёки Чирчиқ эса аллақачон «юз минглик» чегарани босиб ўтган йирик шаҳарлардир. Албатга, бунга уларнинг мезогеографик ўрнини қулайлиги катта таъсир қилган.

Шаҳарлар иқтисодий географик ўрнини ўрганишда айниқса, Тошкент, Хўжанд (Алексадр Эс-Хате), Бекобод, Станбул (Константинополь, Византия), Киев, Волгоград, Самара, Москва, Санкт-Петербург, Бухоро ва Самарқанд, Тбилиси, Новосибирск мисолларига мурожаат қилиш самарали натижалар беради. Шу билан бирга талабаларнинг ўзлари ҳам истаган шаҳарларининг иқтисодий географик ўрнини очиб беришлари керак. Бироқ, энг муҳими иқтисодий географик ўрин - бу шаҳарларнинг иқтисодий географик таъсири ва тавсифи эмас, аксинча у ўрганишнинг, таҳлил қилишнинг махсус усули, иқтисодий географик билимнинг «калити» эканлигини унутмаслик лозим. Ана шундагина, биз нима учун мазкур шаҳар, худди шу жойда вужудга келган ва ривожланган, нима учун у шундай вазифаларни бажаради ва бу ерда саноатнинг шу тармоқлари ривожланган каби жумбоқ саволларга жавоб топа оламиз.

Худди шу маънода, Бухоройи шариф ва Сайқали рўйи замин Самарқанднинг тарихий «мусобақасини», Мовороуннаҳрнинг дорулсалтанати бўлишига талашганлигини, Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқандни ўзининг буюк империясининг пойтахти, Сомонийларнинг эса Бухорони «Қуббаи ислом» қилинишини ўрганиш қизиқарли бўлса керак.

Шулардан иқтисодий географик ўрни (ИГЎ) шаҳар ва шаҳар аҳоли пунктлари таркиб топишида муҳим омил ҳисобланади. Малумки, ИГЎ микро, мезо ва макро даражада ажратиб кўрсатилади. Шаҳар аҳоли пунктлари пайдо бўлишида, ИГЎнинг микродаражадаги аҳамияти катта мавқега эга бўлади. Унинг мезо ва макро даражадаги аҳамияти эса кейинчалик шаҳарчаларнинг ривожланиши ва йирик марказларга айланишида муҳим ўрин тутди. Бинобарин, айрим шаҳарларнинг микро даражадаги ўрни ноқулайлиги унинг аста-секин йўқ бўлиб кетишига олиб

келиши мумкин. Шаҳарларнинг мезодаражада ўрни қулайлиги унинг йирик ва катта шаҳарларга айланишига замин бўлиши мумкин. Агарда бу аксинча бўлса, шаҳар кичик ҳолатида қолаверади. Шаҳарлар иқтисодий географик ўрнини тўртта босқичга ажратиш тавсия этилади.

- микро ўрни-яқин шаҳар атрофига нисбатан ўрни;
- мезо ўрни-мамлакатнинг унча катта бўлмаган давлатга нисбатан ўрни;
- макро ўрни-йирик давлат чегараларига нисбатан ўрни;
- мега ўрни-дунё миқёсида ёки унинг йирик регионларига нисбатан тутган ўрни.

Макродаражадаги ўрин шаҳарлар ривожланишида, юқори босқичларга чиқишида алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ, бу ўрин шаҳарлар таракқиётида ижобий хусусият касб этмаса, улар ҳаёт фаолияти ўзгаришсиз қолаверади. Кўплаб қадимий шаҳарларнинг географик ўрни улар умрини белгилашга хизмат қилган, десак хато бўлмайди. Чунки, айнан шу географик ўриндаги ноқулайликлар ер юзидан кўплаб шаҳар ва шаҳарчаларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлган. Н.Н.Баранский шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни улар учун муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Уни табиий географик ўриндан, яъни табиий объектларга нисбатан тутган ўриндан фарқлай билиш керак. Чунки, денгиз қирғоғи, тоғ тизмалари шаҳар иқтисодиётига таъсир этиши ёки этмаслиги мумкин, дейди. Шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни (ИГЎ) бир қанча компонентлардан ташкил топади. Булар эса ўз навбатида яна бир неча элементларга бўлиниб кетади. Жумладан:

1. Шаҳарларнинг табиий географик ўрни:
 - Табиат зоналарига нисбатан ўрни;
 - Табиий ресурсларга нисбатан;
2. Саноат -географик ўрни:
 - хом ашё манбаларига нисбатан, яъни электро энергия, ёқилғи ва ҳоказо;
 - қайта ишлаш саноти марказларига нисбатан;
3. Шаҳарларнинг агрогеографик ўрни:

- қишлоқ хўжалиги хом ашёси ишлаб чиқарадиган районларга нисбатан
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи районларга нисбатан

4. Транспорт-географик ўрни:

- ички муҳим транспорт магистралларига нисбатан;
- халқаро аҳамиятга эга транспорт тизимига нисбатан;

5. Бозор-географик ўрни:

- маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган тармоқ районларига нисбатан
- истеъмол моллари билан таъминлайдиган районларга нисбатан;

6. Геодемографик ўрни:

- аҳоли ўсиши билан боғлиқ районларга нисбатан ўрни;
- фан, таълим ва маданият марказларига нисбатан

7. Сиёсий-географик ўрни

- мамлакат пойтахтига нисбатан;
- давлат чегараларига нисбатан;

8. Ҳарбий-географик ўрни:

- муҳофаа аҳамиятига эга объектларга нисбатан;
- сиёсий (ҳарбий) конфликт ўчоқларига нисбатан.

Назорат учун саволлар

1. Шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрнига баҳо беринг.
2. Шаҳарларнинг макро, мезо ва микрогеографик ўрин тушунчаларига изоҳ беринг.
3. Тошкент шаҳрининг мезогеографик ўрнига баҳо беринг.

5. Шаҳарларнинг генетик типлари

Таянч сўзлар: *Ресурс шаҳарлар, илму-фан, рекреация, саноат шаҳарлари, кўп функцияли шаҳарлар*

Шаҳарлар маълум сабаб, омил асосида вужудга келади. Уларнинг пайдо бўлиши қулай географик ўрин билан бир қаторда турли хил қазилма бойликларни қазиб олиш, илму-фан, рекреация, савдо-сотик, саноат тармоқлари, транспорт кабиларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Шаҳар ҳосил қилувчи тармоқларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, уларнинг аҳамияти, таъсир доираси мазкур аҳоли манзилгоҳидан четга чиқади.

Қадимда шаҳарлар савдо-сотик ва ҳунармандчилик негизида пайдо бўлишган. Кейинчалик бунга энг кўп саноат ва транспорт сабабчи бўлган. Қазилма бойликлар асосида шаклланган шаҳарларни илмий адабиётларда «ресурс шаҳарлар» деб ҳам юритишади Бундай шаҳарлар, одатда, ўз атрофи, қишлоқ жойлар билан кам боғланган бўлади.

Шаҳарларнинг аксарияти бизнинг шароитимизда, яъни деҳқончилик ривожланган мамлакатларда, қишлоқлар асосида ташкил этилади улар муайян талаб даражасига етганларидан сўнг қонуний равишда бу расмий мақомни олишади. Шаҳарларнинг бундай генетик хусусиятлари урбанизация жараёнининг, айниқса, қишлоқ урбанизациясининг «шарқона» ривожланишидан дарак беради.

Шаҳарлар келиб чиқишига қараб, «янги» ва «эски» шаҳар бўлиши мумкин. Бироқ бу тушунчалар нисбийдир. Сабаби яқингача биз собиқ шўролар даврида вужудга келган шаҳарларнинг барчасини «янги шаҳарлар» гуруҳига киритар эдик. Ҳозир эса янги шаҳарларни мустакиллик даври билан белгилаш тўғрироқдир.

Бироқ аҳоли манзилгоҳининг юридик равишда шаҳар мақомига эга бўлиши унинг ҳақиқий янгилигини иифодаламайди. Чунки бундай аҳоли яшайдиган жойлар қадим-қадимдан мавжуд. Масалан, Чуст шаҳри сўнгги марта шаҳар унвонини расмий равишда 70- йилларда олди, ваҳоланки унинг

реал тарихи бир неча юз йилликларни ўз ичига олади. Худди шундай, Ғиждувон, Пискент, Нурота, Риштон ва ҳокозолар кўп йиллик тарихга эга.

Аслида олганда, янги шаҳар деярли «бўш» жойда, яқинда барпо бўлган, архитектура қурилиши, ободончилиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга эски қишлоқнинг янги йирик қурилиш туфайли ўз қиёфасини тубдан ўзгартириши, аҳоли сонини бир неча марта кўпайтириши ҳам унинг янги шаҳар деб аталишига асос бўла олади.

Шаҳарларнинг келиб чиқиши, уларнинг генетик хусусиятларини ўрганиш тарихий ёндашувни талаб қилади. Ана шундай тарихий таҳлил ёрдамида уларнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳолати баҳоланади. Бу эса, ўз навбатида, шаҳарларни башорат қилишга (прогнозлашга) илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Назорат саволлари

1. Илк шаҳарлар қаерларда вужудга келган ?
2. Қадимги шаҳарларнинг вужудга келишида қандай омиллар асосий ўрин тутган?
3. Шаҳарларнинг шаклланишида географик ўрининг ролини тушунтиринг.
4. Қадимги шаҳарларга мисоллар келтиринг.
5. Ўзбекистон шаҳарларининг шаклланишида қандай омиллар устун туради?

6. Шаҳарларнинг функционал типлари

Таянч сўзлар: *Кўп функцияли сиёсий - маъмурий марказлар, пойтахт шаҳарлар, кўп функцияли шаҳарлар вилоят марказлари, кўп тармоқли йирик саноат марказлари, бир ёки икки саноат тармоғига ихтисослашган шаҳарлар транспорт марказлари, агроиндустриал шаҳарлар, туман марказлари, рекреация шаҳарлари, илму-фан марказлари, университет шаҳарлари*

Кўпчилик ҳолларда шаҳарларнинг генетик типлари уларнинг нима билан шуғулланишини ҳам белгилаб беради. Бу эса уларнинг ҳудудий меҳнат тақсимотида тутган ўрни, башарасини кўрсатиб туради.

Шаҳарлар ҳам турли соҳаларга ихтисослашади, яъни уларнинг ўзига хос ва мос «касби», вазифаси ва йўналиши мавжуд. Бу жиҳатдан шаҳарлар саноат, транспорт, илму-фан, дам олиш марказлари бўлиши мумкин.

Шаҳарларнинг қайси соҳага ихтисослашуви, уларнинг бажарадиган вазифасини аниқлаш функционал типология доирасида амалга оширилади. Бунда бош мезон қилиб шаҳар аҳолисининг бандлик таркиби олинади, яъни қайси соҳада меҳнат ресурслари кўпроқ, (мамлакат шаҳар жойлари бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори) бўлса, ўша йўналиш мазкур шаҳарнинг функционал типини ифодалаб беради.

Одатда шаҳарлар қуйидаги функционал типларга булинади.

1. Кўп функцияли сиёсий - маъмурий марказлар, пойтахт шаҳарлар.
2. Кўп функцияли шаҳарлар - вилоят марказлари.
3. Кўп тармоқли йирик саноат марказлари.
4. Асосан бир ёки икки саноат тармоғига ихтисослашган шаҳарлар.
5. Транспорт марказлари.
6. Агроиндустриал шаҳарлар.
7. Туман марказлари.
8. Рекреация шаҳарлари.

9. Илму-фан марказлари, университет шаҳарлари ва х.к.

Юқоридаги функционал типлар шаҳарларнинг катта - кичиклигига қараб ҳам турланади. Бу ҳолда шаҳарларнинг функционал классификацияси вужудга келади.

Ўзбекистонда биринчи ва иккинчи гуруҳ шаҳарларга Тошкент ҳамда барча вилоят марказлари киради. Улар айна пайтда кўп тармоқли саноат марказлари ҳам ҳисобланади. Учинчи типга асосан Чирчиқ, Олмалик Қўқон каби шаҳарлар мансуб, тўртинчи гуруҳга Марғилон, Ангрен, Охангарон, Муборак, Газли, Зарафшон, Тахиатош, Асака, Учкўрғон, Қувасойга ўхшашларни киритиш мумкин.

Когон, Ховос, Қўнғирот - транспорт шаҳарлари, Чортоқ - рекреация, Улуғбек - фан марказларидир.

Республикамизда жуда кўп шаҳарлар агроиндустриал йўналишга эга, яни уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари мавжуд. Улардан ҳам кўпроқ шаҳарлар қишлоқ туманлар маркази вазифасини бажаради. Бироқ бундай шаҳарлар - «кичик пойтахтлар» айна пайтда агроиндустриал характериға ҳам эга бўлишлари мумкин.

Пойтахт шаҳарлар мамлакат шаҳарлар тури ва тизимида қарвонбошчилик қилишади. Аммо улар аҳолиси бўйича энг катта, саноат ўта ривожланган бўлиши асло шарт эмас. Чунки, бундай шаҳарларнинг асосий вазифаси - сиёсий марказ, дорулсалтанат, яни пойтахт функциясини бажаришдан, бинобарин, мамлакатни бошқариш, уни сиёсий, илмий — техникавий, ижтимоий - иқтисодий жиҳатдан ташкил қилишдан иборат бўлиши лозим.

Жуда кўп мамлакатларда пойтахт шаҳарлар муаммоси кескин туради. Бундай шаҳарлар мумкин қадар мамлакат ҳудудининг ўртасида (марказида), тарихан асосий туб миллат тарқалган ҳудудда жойлашган бўлмоғи лозим. Сабаби - улар энг аввало миллий пойтахтлардир. Шу билан бирга, бу шаҳарларда бошқарув функцияси кенг ривожланган бўлиши шарт.

Дунё мамлакатларининг айримларида пойтахт шаҳарлари ўзгариб турган. Масалан, Бразилияда пойтахт Рио-де-Жанейродан Бразилиага, Покистонда Қарачидан Исломободга, Қозоғистонда Олма-Отадан Астанага кўчирилган ва ҳоказо. Бир вақтлар Украинанинг пойтахти Харьков, Россияники Петербург, Туркияники Стамбул, Қорақалпағистонники Тўрткўл бўлган, Ўзбекистан Республикасининг дастлабки пойтахти Самарқанд бўлиб, 1930 - йилда бу вазифани бажариш Тошкентга кўчирилган.

Пойтахт шаҳарларнинг нуфузи ҳам, маъсулияти ҳам юқори. Бинобарин, ҳар қандай мамлакат ўзининг бош шаҳри, «йўл бошчисига» катта эътибор бермоғи табиийдир, чунки улар ўша жойда яшовчиларнинг миллий ифтихори ҳисобланади.

Шаҳарларнинг мазкур географик ўринлари қулайлиги уларнинг турли соҳа ва тармоқлар бўйича ривожланишига имкон беради. Ҳар бир шаҳар учун энг муҳим географик ўрни бу транспорт тармоқларига нисбатан жойланиши бўлса ҳам турли ҳудудларда ИГЎ аҳамияти бир-биридан маълум даражада фарқ қилади. Шаҳарлар ҳоҳ у йирик, ҳоҳ майда бўлишидан қатъий назар ҳар бирининг бажарадиган ўз функцияси бор. Шаҳарларнинг функцияси аҳолининг шаҳар ҳосил қилувчи тармоқ ва соҳалардаги ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади. Шаҳарларни шаҳар ҳосил қилувчи фуриқциясига кўра иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

I. II. ишлаб чиқариш (индустриал)

- 1) саноат
- 2) транспорт
- 3) савдо-сотиқ

II. III. Ноишлаб чиқариш

- 1) ҳарбий
- 2) маданий
- 3) курорт

Шунингдек, баъзи олимлар шаҳарларни қуйидаги функционал типларга ажратишни маъқул кўради.

- Сиёсий-маъмурий марказлар, пойтахт шаҳарлар.
- Кўп функцияли шаҳарлар-вилоят марказлари.
- Кўп тармоқли йирик саноат марказлари.
- Асосан бир ён икки саноат тармоғига ихтисослашган шаҳарлар.
- Транспорт марказлари.
- Агроиндустриал шаҳарлар.
- Туман марказлари.
- Рекрация шаҳарлари.
- Илму-фан марказлари, университет шаҳарлари ва х.к.

Шаҳарлар мазкур юқорида келтирилган функциялари бўйича бир биридан маълум даражада фарқ қилишади. Масалан, дунёда АҚШдаги Детройт, Россиядаги Толятти шаҳарлари автомобилсозлик, Франциядаги Дюнкерк, Украинадаги Одесса, Россиянинг Владивосток, Мурманск транспорт, яъни порт шаҳарлар; Англиядаги Кембридж, Германиянинг Хайделбург, Дубна ўқув, илмий марказлар; Ҳиндистоннинг Варанаси, Саудия Арабистонининг Маккаси диний марказлар вазифасини бажариши билан ажралиб туради. Кўпгина шаҳарлар битта эмас, бирқанча функцияни бажаради, бундай шаҳарлар “полифункционал” шаҳарлар ҳисобланади.

Шаҳарларнинг функционал типологияси

1-жадвал

Шаҳар функционал типлари	Функционал типнинг турлари	шаҳарлар
Маъмурий-марказлар	Пойтахт	Тошкент Ўзбекистон пойтахти
	Вилоят марказлари	Термиз Сурхондарё маркази
	Туман марказлари	Ўсмант шаҳарчаси Бахмал тумани маркази
Саноат марказлари	Қазиб олиш саноат маркази	Россияда Сургут
	Машинасозлик маркази	Италияда Турин
	Металлургия маркази	Полшада Катовисе

Транспорт марказлари	Дэнгиз портлари	Нидерландияда Роттердам
	Темир йўл узеллари	Украинада Жмеринка
Ноишлаб чиқариш марказлари	Курорт марказлари	Туркияда Анталия
	Илм ва фан марказлари	Буюк Британияда Кембриж
	Молиявий марказлар	Швейцарияда Цюрих

Шунингдек, айрим шаҳарлар маъмурий марказ вазифасини бажаришади холос, яъни Канберра, Тошкент мамлакат маъмурий марказлари бўлса, Жиззах, Термиз шаҳарлари вилоят марказлари, Шаҳрисабз, Ўсман туман марказлари вазифасини бажарувчи шаҳар ва шаҳарчалардир. Хўжалик нуқтайи назаридан баъзи шаҳарлар саноат, транспорт, дам олиш ва туризм, илм-фан марказлари ҳисобланади. Шаҳарларни вазифасига кўра бундай ажратиш одатда улар аҳолиси бандлиги хусусиятидан келиб чиқади. Шаҳарлар катта-кичиклигига қараб ҳам функционал типларга ажратилади. Шаҳарларнинг катта-кичиклиги улар аҳолиси сонига қараб белгиланган. Одатда шаҳарлар аҳолиси сонига кўра қуйидагича классификацияланади:

- 1.I. кичик шаҳар: 20 минг киши
- 2.II. ўрта шаҳар: 20 мингдан 100 минг кишигача
- 3.III. катта шаҳар: 100 мингдан 500 минг кишигача
- 4.IV. йирик шаҳар: 500 мингдан 1000 минг кишигача
- 5.V. миллионер шаҳар: 1000 минг ва ундан ортиқ
- 6.VI. ўта миллионер шаҳар: 10 млн ва ундан кўп киши.

Шаҳарларнинг функционал тузилиши шаҳар ҳаётининг барча жабҳасида яққол сезилади, шу боисдан шаҳарларни турли йўналишда тадқиқ этишда буни албатта ҳисобга олиш лозим. Шаҳарларнинг функционал тузилиши аҳоли такрор барпо бўлиши суратиغا, аҳоли демографик таркибига, аҳоли бандлиги, аҳоли миграцияси характериға, аҳоли ижтимоий таркибига ўз таъсирини ўтказади.

7.Шаҳарлар классификацияси

Таянч сўзлар: *Шаҳарлар иерархияси, катта, ўрта ва кичик шаҳарлар, миллионер шаҳарлар*

1. Ер юзидида минглаб шаҳарлар мавжуд ва ҳеч бири иккинчисига ўхшамайди. Уларнинг барчасини бир вақтда ўрганиш имконияти йўқ. Шу ваздан шаҳарлами турли кўрсаткичларига кўра турларга (тип) ажратиш яхши натижа беради. Шаҳарлар типологияси таснифлашга нисбатан кенгрок тушунча бўлиб, уни ҳам ўз ичига олади. Г. Лаппо таснифлашув типологиянинг бошланиши деб ҳисоблайди. Агар таснифлаш бирор миқдорий кўрсаткичга асосланса, (Э.Алаев бўйича), типология бир қанча сифат кўрсаткичларини ўз ичига олади. Типология шаҳарлар ҳақидаги билимларни ҳам умумлаштиради, ҳам чуқурлаштиради. Умумлаштириши шундаки, ўхшаш белгилари асосида бир гуруҳга киритилади, чуқурлаштирилишида эса ҳар бир гуруҳдаги шаҳарларнинг хусусий, фарқли томонларини аниқлаш осон бўлади. Шаҳарлар қанчалик йирик бўлса ва ўзига хос қирралари қанчалик аниқ ифодаланса, уни бирор турга киритиш шунча қийин бўлади. Масалан, Тошкент ёки Самарқанд шаҳри бошқа бирорта ҳам шаҳар билан умумий хусусиятга эга эмас. Шунинг учун, йирик шаҳарлар монографик тарзда, кичик шаҳарлар эса типологик ҳолда ўрганилгани маъқул.

Геоурбанистикада бир қанча шаҳарлар типологияси ишлаб чиқилган. Шаҳарларни географик ўрнига кўра турларга ажратиш, уларнинг умумиктисодий белгиларини аниқлаш имконини беради. Бу жиҳатдан улар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- транспорт чорраҳаларида жойлашган шаҳарлар;
- йирик тоғ-кон районларида жойлашган шаҳарлар;
- дарёбўйи шаҳарлари;
- интенсив суғорма деҳқончилик районларида жойлашган шаҳарлар;

- денгиз бўйи шаҳарлари;
- қайта ишловчи саноат районларида жойлашган шаҳарлар ва б.;

Шаҳарлар ҳар хил омиллар асосида вужудга келиб, ўзига хос вазифаларни бажаришга ихтисослашадилар. Агар дастлабки шаҳарларнинг узок ўтмишда пайдо бўлиши ижтимоий меҳнат тақсимооти таъсирида бўлса, уларнинг функционал типлари ҳудудий меҳнат тақсимотининг натижасидир.

Шаҳарлар бажарадиган вазифаларига кўра турлилиги уларнинг айна пайтда катта-кичиклигини ҳам белгилаб берадики, бу шаҳарлар географиясидага муҳим қонуниятлардан биридир. Демак, шаҳарларнинг катта - кичиклигига қараб уларнинг функцияси ташкил топмайди, аксинча, шаҳарларнинг функцияси, иқтисодий йўналиши аксарият ҳолларда уларнинг йириклигини ифодалайди.

Шаҳарлар ўз кўламига қараб энг аввало 3 категорияга бўлинади (умуман бундай «уч ўлчовли» барча мавжудотларга ҳам хос): катта, ўрта ва кичик. Бироқ бу тушунчалар тарихий — географик нуқтаи назардан нисбийдир. Масалан, бир вақтлар йирик ҳисобланган шаҳар ҳозирги даврда бундай бўлмаслиги аниқ. Айна пайтда шаҳарларнинг катта кичиклигини белгиловчи микдорий кўрсаткичлар ҳам ҳамма вақт ва барча мамлакатларда бир хил эмас. Табиийки, узок қишлоқ аҳолиси учун туман маркази ҳам анча йирик шаҳар ҳисобланади. Аммо, мамлакат ва унинг пойтахт даражасидан қараганда ҳатто баъзи вилоят марказлари ҳам анча кичик кўринади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, географик таққослаш ва илмий тадқиқотларни бажаришда барчага хос бўлган умумий мезон керак, яъни шаҳарларнинг йириклик категорияси, субъектив ва маҳаллий қарашларидан қатъий назар, ҳаммага бир бўлиши шарт.

Шу нуқтаи назардан ёндошганда йирик ёки катта шаҳарлар аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ, ўрта шаҳарларда 50-100 минг ва кичик шаҳарларнинг ҳар бирида камида 50 минг кишигача аҳоли бўлиши керак. Бундай классификация оддий ва барчага тегишлидир. Махсус илмий тадқиқотларда эса шаҳарлар классификацияси анча кенг турланган бўлади:

- I.** 10 минггача — майда шаҳар
- II.** 10-20 минг —кичик шаҳар
- III.** 20-50 минг —«ярим ўрта» шаҳар
- IV.** 50 - 100минг — ўрта шаҳар
- V.** 100 - 250минг — катта шаҳар
- VI.** 250 — 500минг — йирик шаҳар
- VII.** 500 —1000минг — энг йирик шаҳар
- VIII.** 1000 минг ва ундан ортид —миллионер шаҳар.

Албатта, шаҳарларнинг бундай миқдорий кўрсаткичлари тасодифан бўлмай, у маълум қонуниятларга ҳам асосланади. Чунончи, I-класс шаҳарлари кўпинча темир йўл станциялари ёки кичик ресурс шаҳарчаларидан ташкил топса, II-классдагилар асосан ресурс шаҳарлар, III-класс эса деярли батамом туманларнинг маъмурий марказларидан иборат. Бу тоифадаги шаҳарлар қисман IV-классда ҳам бор. Аммо V-классдан тўла текис вилоят марказлари жой олади.

Шундай қилиб, шаҳарлар тури худди армия тизимидагидек, турли босқичдаги «қўмондонларга» ўхшайди. Уларнинг бундай поғонасимон жойланиши шаҳарлар иерархиясини вужудга келтиради. Иерархия шакли қанча тўғри ва тўла бўлса, мамлакат ёки бошқа бир ҳудуд ҳам ижтимоий - иқтисодий жиҳатдан шунга мувофиқ мукаммал шаклланган бўлади. Махсус илмий адабиётларда Зипфа-Стюарт қоидаси мавжуд бўлиб, у ҳудуд шаҳарларининг бир тартибда тўғри жойланишини назарда тутди; Масалан, иккинчи шаҳар биринчи шаҳар аҳолисининг ярми, учинчи шаҳар унинг $\frac{1}{3}$, туртинчиси - $\frac{1}{4}$ аҳолисига эга бўлиши керак. Бироқ, бу ҳоҳишда тўлалигича ўз исботини жуда кам ҳолда топгани учун, у гипотеза даражасида талқин қилиниши мумкин.

Шунга қарамай, юқоридаги қоида маълум аҳамият касб этади. Хар қалай мамлакат ўз шаҳарлар тури таркиби ва тизимини ана шундай занжирсимон, поғонасимон тартибда шакллантиришга ҳаракат қилиши ва

Ўзининг минтақавий сиёсатида амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Сабаби - мамлакат аҳолисининг кўпчилиқ қисмини унинг бир ёки икки йирик шаҳрида тўпланиши ҳам (бу шаҳарлар гипертрофияси дейилади), ёки, аксинча, аҳолининг жуда кўп майда шаҳарларда тарқалиши ҳам яхши эмас. Табиийки, иккинчи ҳолда мамлакат ҳудудий иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган бўлади.

Шаҳарлар иерархиясини пирамидасимон ҳам тасаввур қилиш мумкин. У ёки бу ҳудуд учун тузилган пирамида айна пайтда турли йирикликдаги шаҳарлар ривожланиши билан боғлиқ муаммолари акс эттиради.

Шаҳарлар классификациясида «биринчи» ва «иккинчи» шаҳар тушунчалари мавжуд, Масалан, Ўзбекистоннинг биринчи шаҳри унинг пойтахти Тошкент бўлса, унинг иккинчи даражасидаги шаҳри Самарқанддир (ҳозирги кунда бу мавқега Наманган даъвогарлик қилмоқда).

Умуман, республикамызда 17 та йирик шаҳарлар бор. Улар (аҳолиси минг киши ҳисобида, 1.01.2019 й)

I. Тошкент	2522,8
II. Наманган	520
III. Самарқанд	540
IV. Андижон	398
V. Бухоро	274
VI. Қарши	260
VII. Нукус	310
VIII. Қўқон	193,8
IX. Фарғона	261
X. Марғилон	186
XI. Чирчиқ	151
XII. Урганч	150
XIII. Ангрен	142
XIV. Жиззах	161
XV. Навоий	131

XVI.Олмалик 115

XVII.Термиз 135

Ўрта шаҳарларга Бекобод, Янгийўл, Асака, Хўжайли, Когон, Зарафшон, Гулистон, Денов, Тўрткўл, Шаҳрихон, Шаҳрисабз, Косон, Чуст, Каттакўрғон (жами 14 та) киради. Буларнинг орасида фақат Гулистон вилоят маркази. Қолган 203 та шаҳар ва шаҳарчалар кичик, яъни I-III классларга мансубдир.

Назорат учун саволлар

- 1.Ўзбекистондаги шаҳарларни аҳоли сонига кура гуруҳлаштиринг.
- 2.Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида катта шаҳарларнинг ўрнига баҳо беринг.

8. Шаҳарлар агломерацияси

Таянч сўзлар: *Агломерация, агломерация ядроси, йўлдош шаҳарлар, мегаполис, ойкуменаполис, дельтаполис, конурбация, субурбанизация*

Сўнгги йилларда урбанизация жараёни сифат жиҳатдан ўзгариб, ўзининг юксак чўққисига эришди; йирик шаҳарлар ўз доирасидан чиқиб, янги ҳудудий тизимлар-шаҳар агломерациялари ва мегалополислар кўринишида намоён бўла бошлади. “Агломерация” лотинча сўз бўлиб, “тўпламоқ”, “қўшиб олмоқ” маъносини билдиради. Мазкур термин кўп соҳаларда, масалан, саноатда, геологияда ишлатилиб, кейинчалик аҳоли манзилгоҳлари учун ҳам қўлланила бошланди. Умуман олганда, “агломерация” тушунчаси даставвал немис олими Алфред Вебернинг саноат штандорти назариясида қўлланилган. У саноат корхоналарини жойлаштиришда транспорт, истеъмол омиллари қаторида агломерация омилига ҳам катта эътибор берган. Бу сўзни биринчи марта америкалик шаҳаршунос олим А. Вебер 1899-йилда шаҳарлар географияси фанига олиб кирди ва аҳоли манзилгоҳларининг бир жойда тўпланиши учун ушбу терминни ишлатди.

Шаҳар агломерациялари рус - совет адабиётларида 1910-20-йиллардан А. Крубер, М. Диканский, В. Семёнов - Тянь - Шанский томонидан ўрганила бошланди ва турли номлар билан аталди, масалан, “иқтисодий шаҳар”, “шаҳарнинг хўжалик округи”, “планлаштирилган район” ва ҳ.к. Йирик шаҳаршунос олим Г.М. Лаппо унга шундай таъриф беради: “Шаҳар агломерациялари хилма-хил интенсив алоқалар билан ягона, динамик тизимга бирлашган аҳоли манзилгоҳларининг ихчам ҳудудий гуруҳидир”.

Шаҳар агломерацияси” тушунчаси маълум маънода шартли характерга эга. Сабаби, бундай ҳудудий тизимларда фақат шаҳар жойлар эмас, балки улар орасида қишлоқлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг аҳолиси ҳам агломерациялашув жараёнида иштирок этади. Аммо шаҳар, айниқса, йирик шаҳарларнинг бундай мураккаб тизимларни шаклланишидаги етакчи ролини

хамда шаҳар аҳолиси ва шаҳарча ҳаёт тарзини тарқалишини ҳисобга олиб, бундай тузилмалар шаҳар агломерациялари деб аталади.

Шаҳар агломерациялари иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий тушунчалари бўлган ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, ҳудудий мажмуалар ва иқтисодий географик ўрин билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, улар ҳудудий таркиб, ҳудудий тизим ва ҳудудий мажмуаларда яққол кўзга ташланади. Авваламбор, шаҳар агломерациялари ҳар қандай ҳудудий таркибни шакллантирувчи асосий белгидир. Улар ўзига хос ҳудудий тизимни англатади. Бунда шаҳар агломерациялари заминида саноат ва транспорт тугуни ётади.

Кенгайган урбанистик тизим ва интеграциялашган йўл бўйлари ўртасида капитал, маҳсулот, одамлар оқими кучаяди, бу қишлоқ ва шаҳар фаолияти ўртасидаги фарқларни пасайтиришга хизмат қилади (*М.Пационе, 2009, 192-б.*).

Айни вақтда, шаҳар агломерациялари ягона иқтисодий географик ўрин, иқтисодий макон, бозор муҳитини ҳам билдиради. Уларда ягона инвестиция муҳити, экологик, нозоогеографик ва криминоген вазият ҳам вужудга келади. Хусусан, шаҳар агломерацияларининг ягона социал муҳит эканлигини таъкидлаш лозим. Чунки агломерацияда ўзига хос яшаш шароити, кишиларнинг ҳафталик меҳнат - ҳаёт фаолияти содир бўлади.

Жойнинг табиий ва иқтисодий географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, агломерациялар турлича ҳудудий қиёфалар - “полосасимон”, “чизиқсимон”, “занжирсимон”, “юлдузсимон” каби конфигурацияга эга бўлади. Уларнинг ҳудудий таркиби ҳам мураккаб бўлиб, агломерация тўлақонли шаклланиши учун бош шаҳар “ядроти”, йўлдош шаҳарлар, улар ўртасида интенсив алоқалар бўлиши талаб этилади.

Одатда, марказий шаҳардан тарқалувчи радиал йўл бўйлари тез ривожланади, уларнинг ораларида эса очик жойлар - буфер зоналар қолади. Бу зоналар кўпинча “яшил зоналар” ёки қишлоқ хўжалик ерлари билан банд бўлади. Ривожланган давлатларда эса улар қурилишлар, уй-жойлар билан

тўлиб кетиб, йўлдош шаҳар бош шаҳарга қўшилиб кетади. Марказий шаҳар агломерациянинг “ядро”сини ташкил этади, улар битта (моноцентрик), баъзан эса икки ва ундан ортиқ (полицентрик) бўлиши ҳам мумкин (Донецк - Макеевка-Горловка, Гданск Гдиня-Сопот ва б.). Марказий шаҳар қанчалик катта бўлса, унинг таъсир доираси ҳам шунчалик кенг бўлади. Одатда, унинг аҳоли сони 100 мингдан ортиганда агломерациялашув учун кўпроқ имконият вужудга келади. Ундан узоқлашган сари, аҳоли зичлиги ва аҳоли манзилгоҳлари камайиб боради, улар ўртасидаги алоқалар ҳам сусаяди. Агломерация чегараси кўпинча 50-60, баъзан эса 100-110 км ли радиусларга ҳам тенг бўлиши мумкин.

Шаҳар агломерациялари турли ерларда, турли табиий ва иқтисодий географик омиллар ва шароитлар таъсирида таркиб топгани учун, жаҳон таърибасида уларни ажратишда ягона мезон қабул қилинмаган, масалан, АҚШда улар “ядро”сининг аҳолиси 50 минг киши, Канадада эса 100 минг киши бўлиши талаб этилади. МДХдаги кўпчилик агломерацияларни ажратишда Г.М.Лаппо методикасидан фойдаланган ҳолда, марказий шаҳар аҳоли сони 250 мингдан, йўлдош шаҳарлар сони тўрттадан кам бўлмаслиги талаб этилади. Йўлдош шаҳарлар, одатда, монофункционал бўлиб, саноат маркази, курорт, илмий марказ, туман маркази, агросаноат маркази каби айрим функцияларни бажариб беради.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланиши, хусусан мужассамлашув натижасида турли функционал тип ва йирикликдаги шаҳарларнинг бир жойда ғуж ҳолда ўрнашган шакли вужудга келадики, уларни илмий адабиётларда шаҳар агломерацияси деб таърифлашади. «Агломерация» сўзи геологиядаги «агломерат»ни эслатади, яъни бир ҳудудда тўп бўлиб жойлашганликни англатади, иқтисодиёт ва айниқса Ғарбда шаклланган минтақавий иқтисодда эса саноат агломерацияси саноат корхоналарини бир нуқтада тўпланганлигини билдирувчи тушунча мавжуд. Шунга мос равишда агломерацион омил ва агломерацион эффект (самарадорлик) ибораси ҳам бор.

Агломерацияниг вужудга келиши тахминан куйидаги схемада (тартибда) амалга ошади. Қулай иктисодий географик ўринга эга бўлган шаҳар аста - секин йириклашиб бораверади. Сабаби - у ўзига барча янги - янги саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш муассасалари, олий ўқув юртлари, молия - банк ташкилотлари ва бошқаларни тортаверади. Бу пайтда шаҳарнинг тортиш кучи, марказга интилувчи ҳаракат авжда бўлади.

Шаҳарларнинг ёйилиб кетиши, қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобидан кенгайиши маълум даражагача давом этиб бораверади. Кейинчалик шаҳар ҳудудининг чексиз кенгайиши тўхтаб «қолади», у тоғ ёки дарё, давлат чегараси ёки денгиз каби тўсиқларга дуч келади, шаҳар ичида эса уй-жой, транспорт, экология муаммолари кескинлашади. Натижада ўзига хос «революцион вазият» вужудга келади: йирик шаҳар муҳити, унинг фан-техника, инфрасфуктура салоҳияти ўзига янги-янги корхоналарни жалб қилади, биров юқоридаги қийинчиликлар буни чеклаб қўяди. Ана шундай тартибда, йирик шаҳарга яқин жойда уни тўлдирувчи, ихтисослашган шаҳар ва шаҳарчалар вужудга келади. Бундай «йўлдош» шаҳарларда марказий шаҳар эҳтиёжини қондирувчи ёки унга хизмат қилувчи объектлар ўрнашади. Шундай қилиб, йирик шаҳар ўз расмий чегарасидан чиқади, микдор ўзгариши сифат ўзгаришига ўтади, ҳудудий мужассамлашув ўз шаклини ўзгартиради ва шаҳарларнинг ҳудудий тўпларни пайдо бўлади.

Шаҳар агломерациясининг шаклланиши учун қуйидаги шарт ва шароитлар зарур:

- албатта бир ёки икки йирик шаҳар бўлиши керак;
- унинг атрофида камида иккита шаҳар ва шаҳарчалар бўлиши шарт;
- марказий шаҳар (агломерация ядроси) ва йўлдош манзилгоҳлар орасидаги масофа энг кўпи икки соатлик вақт доирасида бўлиши керак;
- агломерация шаҳар ва шаҳарчалари ўртасида «аҳоли» алоқаси бўлади, маятниксимон (тебранма) миграция ривожланган бўлиши шарт;
- йўлдош шаҳарларда энг ками агломерация аҳолисининг 10 фоизи жойлашган бўлиши зарур ва х.к.

Кўриниб турибдики, агломерациялар ҳар қандай шароитда ҳам вужудга келавермайди; жуда кўп шаҳарлар бўлса-ю, улар орасида агломерация ташкил қилувчи марказ булмаса, ёки аксинча, йирик шаҳар бир ўзи бўлса бундай ҳолда агломерация шаклланмайди. Масалан, Жиззах - у катта шаҳар, лекин унинг атрофида шаҳарлар кам; Навоий ҳам деярли шунақа вазиятда, ёки Шаҳрисабз - бу ерда Китоб, Яккабоғ ва бошқа шаҳарлар ҳам мавжуд, аммо Шаҳрисабзнинг ўзини агломерация ҳосил қилиш қудрати паст. Агломерациялар бир марказли (моноцентрик) ва кўп марказли (полицентрик) бўлади. Фарғона - Марғилон, Ангрен - Олмалиқ агломерациялар икки марказли ҳисобланади, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қарши, Нукус, Урганч ва бошқа агломерациялар битта йирик шаҳар атрофида вужудга келган.

Агломерацияларнинг ташқи қиёфаси (конфигурацияси) ҳам турлича: доирасимон, лентасимон, чўзинчоқ, амфибияга ўхшаш бўлади. Бу ўша жойнинг ер усти тузилиши, транспорт тизими, гидрографиясига боғлиқ. Одатда йирик дарёлар бўйида шаклланган агломерациялар 50 - 70 ва ҳатто 100 км.га чўзилиб кетади (Волгоград, Кривой Рог, Братск агломерациялари). Ҳар қайси агломерациянинг тарихий географик ўрни, асоси бўлади. Масалан, республикамизда энг йирик Тошкент агломерацияси (у 30 га яқин шаҳар ва қишлоқларни бирлаштиради) Чирчиқ дарёси асосида вужудга келган. Шу сабабдан бўлса керак, у бироз шимоли-шарқдан жануби-ғарбга чўзилган.

Ўзбекистон (Ўрта Осиё) агломерациялари узига хос минтақавий хусусиятларга эга. Улар асосан тоғ олди ҳудудларда суғорма дехқончилик жойларида, электр транспорти суғорма ривожланган, атрофи қишлоқ хўжалик экинлари билан ўралган шароитда вужудга келган. Моҳиятан, бизнинг агломерациялар шаҳар эмас, балки шаҳар - қишлоқ агломерацияларидир.

Агар шаҳар ва шаҳарчалар, ўзаро ҳудудий туташиб, қўшилиб кэтса, у ҳолда яхлит - улкан шаҳар вужудга келадики, уларни конурбация дейишади (Лондон, Рур ҳавзаси конурбацияси ва х.к.). Бироқ, конурбация ҳам

агломерацияларнинг бир шакли, кўриниши бўлсада, ҳар қандай агломерация ҳам конурбация эмас.

Шаҳарлар ҳудудий бирлашмасининг яна бир мураккаб шакли мегалополислардир (ушбу тушунчани фанга америкалик олим Жан Готтман 50 —йилларда киритган). Мегаполислар агломерацияларнинг ўзаро қўшилиб кетиши натижасида вужудга келади. Масалан, Босваш (Бостон -Вашингтон), Чигпитс (Чикаго-Питсбург), Токио - Йокогама ва бошқа мегалополислар мавжуд.

Ўзимизнинг Фарғона водийсида ҳам аҳоли жойлашувининг ўзига хос шакли вужудга келган, уни йирик шаҳарларнинг бош харфи билан ФАНЎХ мегаполиси деб аташ мумкин (Фарғона- Андижон - Наманган - Ўш - Хўжанд). Умуман эса мегалополис, ёки мегаполис улкан шаҳар (мега - катта, йирик) маъносини билдиради. Грек архитектори Доксиадис ҳатто ойкуменаполис ҳақида ҳам фикр билдирган (бу бутун дунё шаҳарларининг ягона тизимидир). Дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган шаҳарлар бирикмасини биз дельтаполис дейишимиз мумкин.

Аҳолининг йирик шаҳарларда тўпланиши йирик-катта шаҳарларнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлмоқда. Йирик шаҳар майда ва ўрта шаҳарлар ҳисобига тобора гигант шаҳарларга айланмоқ. ишлаб чиқариш, маданий-маиший, коммунал-хўжалик алоқа ўзаро туташган ҳолда вужудга келаётган шаҳар аҳоли пунктларининг янги тури фанда агломерация, деб номланади. Агломерация-аҳоли пунктларнинг бир-бирларига қўшилиб кетиб, улкан шаҳар, ягона иқтисодий ҳудуд ҳосил қилиши. Агломерацияларда аҳоли зич ўрнашган, хилма-хил ишлаб чиқариш тармоқлари, хусусан саноат корхоналари, илмий ва ўқув муассасалари тўпланган бўлади. Агломерация сўзи француз адабиётларида учрайди, инглизлар бунини конурбация, америкаликлар метрополислар, деб аташади.

Шаҳар агломерацияси ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланиши туфайли турли функционал тип ва йирикликдаги шаҳарларни вужудга келиши ва уларнинг бир жойда тўпланишидан, хусусан

шаҳарларнинг қулай иқтисодий географик ўрин туфайли энига ва бўйига кенгайиб бориши ҳамда йирик шаҳар атрофида ва унга яқин жойда шаҳар ва шаҳарчаларнинг таркиб топиб қўшилиб кетишидан пайдо бўлади.

Шаҳар агломерацияси қуйидаги шарт ва шароитларга таянган ҳолда шаклланади:

- шаҳар атрофида битта ёки иккита йирик шаҳар бўлиши лозим;
- унинг атрофида камида иккита шаҳар ва шаҳарчалар бўлиши шарт;
- марказий шаҳар (агломерация ядроси) ва йўлдош шаҳарча орасидаги масофа энг кўпи икки соатлик вақт доирасида бўлиши зарур;
- агломерация шаҳар ва шаҳарчалари ўртасида маятниксимон (тебранма) миграция алоқаси ривожланган бўлиши шарт;
- атрофидаги шаҳарлар аҳолиси энг ками агломерация аҳолисининг 10 фоизини ташкил этиши зарур ва ҳ.к.

Дунёда биринчи шаҳар агломерацияси XIX асрнинг иккинчи ярмида йирик шаҳарлар (Лондон, Париж, Нью-Йорк ва бошқа) ёки унга яқин жойлашган алоҳида унча катта бўлмаган шаҳарлар атрофида шаклланган. Агломерациянинг биринчи типи ягона марказга асосланган моноцентрик хусусиятга эга бўлган бўлса, иккинчи типи полицентрик, яъни мавқеи жиҳатдан тенг бўлган кўп марказлардан иборат бўлган. Булардан моноцентрик агломерациялар типи кенг тарқалди. Ҳолбуки, ҳозирда полицентрик типи ҳам кўп сонлидир. Шу ўринда келтириш жоизки, агломерациялар бир марказли (моноцентрик) ва кўп марказли (полицентрик) хусусиятга эга бўлади. Фарғона-Марғилон, Ангрен-Олмалик агломерациялари полицентрик, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қарши, Нукус, Урганч ва бошқа агломерациялар моноцентрик ҳисобланади. Шаҳар агломерацияси - меҳнат, маданий-маиший, рекреацион, инфратузилма, ишлаб чиқариш ва бошқа алоқалари билан ўзаро бирлашган шаҳар аҳоли пунктлари гуруҳига айтилади. Дунёда энг йирик агломерациялар 20 дан ортиқ бўлиб, уларнинг кўпи АҚШда (Чикаго, Нью-Йорк, Лос Анжелос), Ҳиндистонда (Дехли, Бомбей, Калкутта), Японияда

(Токио, Осака Киото-Кобе) ва Бразилияда (Сан-Паулу, Рио-де-Жанейро) жойлашган. Покистон (Карачи), Буюк Британия (Лондон), Эрон (Техрон), Аргентина (Буэнос-Айрес), Филлипин (Манила), Хитой (Шанхай), Франция (Париж), Бангладеш (Дакка), Россия (Москва) каби мамлакатларда агломерациялар сони атиги биттадан, холос. Шаҳар агломерациялари вақт ўтиши билан ривожланган давлатларга нисбатан ривожланаётган давлатларда тобора ўсмоқда. Агломерация чегаралари одатда, марказ шаҳар билан унинг атрофидаги шаҳарлар ўртасидаги меҳнат, маданий-маиший алоқалар самарадорлиги билан белгиланади. Бу алоқалар чегараси ҳозирги замонавий транспорт ривожланган бир вақтда 50-60 км оралиқдаги радиусни ташкил этади. Кўпгина ҳолларда бу шаҳар агломерация чегараси маъмурий чегаралар билан мос келмайди. Шаҳар атрофидаги аҳоли пунктларининг шаҳар марказидан ва унинг атрофидан келаётган аҳоли ҳисобига тезроқ ривожланиши шаҳар агломерациясининг ўз чегарасидан ташқарига чиқишига олиб келмоқда. Бу жараён фанда субурбанизация - деб аталади (субурбанизация лотинчадан субур-шаҳар атрофи). Шаҳар марказидаги экологик вазият, ўзига хос мураккаб турмуш тарзи, нарх-навоининг баландлиги, жинойтчиликнинг ўсиши, солиқнинг юқорилиги каби нохуш ҳолатлардан чарчаган, зериккан одамларнинг шаҳаниан ташқарига кўчиб ўтиши ва шаҳар марказига ишга келиб-кетиши субурбанизация жараёнинг ривожланишида етакчи омиллар ҳисобланади. Энг аввало бунда аҳолининг моддий жиҳатдан ўзига тўқ қатларни шаҳар атрофига келиб жойлаша бошлайди. Кейинчалик ўрта қатлам ва ўз навбатида аҳоли билан бараварига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам келиб ўрнашади, ривожланади.

Вақт ўтиши билан шаҳар ва шаҳарчалар, ўзаро ҳудудий туташиб,қўшилиб кетади ва уни айрим жойларда урбанизациялашган ҳудудлар дейишади (Лондон, Рур ҳавзаси конурбацияси ва х.к.). Урбанизациялашган ҳудудлар 3-5 та агломерациянинг бирлашишидан таркиб топади.

Дунёнинг йирик мегалополислари

Мегаполис (мамлакат)	Йирик агломерация	Агломерациялар сони	Аҳоли сони	Узунлиги
Шимолий-шарқий Атлантик	Нью-Йорк	40	45 млн киши	800 км
Ички, кўл бўйи (АҚШ, Канада)	Чикаго	35	35 млн киши	900 км
Жанубий-Ғарбий, Тинч океан(АҚШ Мексика)	Лос-Анжелес	15	20 млн киши	800 км
Токайдо (Япония)	Токиё	20	55 млн киши	700 км
Англия (Буюк Британия)	Лондон	30	30 млн киши	400 км
Рейн (Германия, Нидерландия, Белгия, Франция)	Рейн-Рур	30	30 млн киши	500 км

Шаҳар агломерацияларининг ўзаро қўшилиб кетишидан ҳосил бўлган шаҳар аҳоли пунктлари урбанизациялашган зоналар ёки мегалополислар (ушбу тушунчани илк бора француз урбанисти Жан Готман 1950-йиллар АҚШнинг шимоли-шарқига нисбатан ишлатган), деб юритилади. Ҳозирда дунё бўйича, Шимоли-шарқий Атлантика (АҚШ) 40 та агломерацияни, Ички, Кўл атрофи (АҚШ, Канада) 35 та, Жанубий-Ғарбий, Тинч океан (АҚШ Мексика) 15 та, Токайдо (Япония) 20 та, Англия (Буюк-Британия) 30та, Рейн (Германия, Нидедандия, Белгия, Франция) 30 та агломернцияларни ўзига қамраб олган йирик мегалополислардир. Кучсиз урбанизациялашган ҳудудларда ҳам мегалополислар ташкил топмоқда. Масалан, Бразилияда Сан-Паулу, Рио-де-Жанейро, Белу-Оризонти мегалополиси. Россияда Москва, Нижний Новгород ўртасидаги мегалополислар шулар жумласидандир. Ғарбий Европадаги мегалополислар ўлчамига кўра кичик бўлиб булардан Лондон, Бирмингем, Ливерпул ва Манчестер

агломерацияларидан ҳосил бўлган Англия мегалополисида 35 млн. киши жойлашган. Дунё олимларининг прогнозига кўра алоҳида мегаполислар ўзаро бирлашиб ягона Ойкуменополисларни ташкил этади. Ойкуменополис назариясини грек урбанисти К.Доксиадис томонидан илгари сурилган. Ойкуменополисларда Ер шарининг энг кўп аҳолиси яшайди.

Назорат учун саволлар

- 1.Шаҳар агломерацияси ва унинг шаклланиши ҳақида сўзлаб беринг.
- 2.Агломерация ядроси ва йўлдош шаҳарлар тушунчасига изох беринг.

9. Ҳозирги замон урбанизацияси ва унинг минтақавий хусусиятлари

Таянч сўзлар: *Урбанизация, шаҳар аҳоли манзилгоҳлари, сохта урбанизация, урбанизация даражаси юқори ва паст минтақалар*

«Урбан» (урбан) - шаҳар, «зация» - жараён демакдир. Шу маънода урбанизация мамлакат ёки бошқа ҳудудларнинг шаҳарлашувини англатади. У ўта мураккаб, ижтимоий - иқтисодий ва бутун дунёга хос глобал жараёндир.

Бироқ унинг географик жиҳатлари ҳам кам эмас, чунки урбанизация турли мамлакат ва районларда ўзгача содир бўлмоқда.

Урбанизация мураккаб ҳодиса эканлиги туфайли уни фақат битта мезон, кўрсаткич билан ифодалаш, ўлчаш мумкин эмас. Аммо, шундай бўлсада, барча учун қулай бир ўлчов керак. У ҳам бўлса мамлакат ва бошқа ҳудудлар аҳолисининг қанчаси, қанча қисми шаҳар жойларда яшаши, улуши, нисбий ҳиссасидир. Масалан, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 51,8%, Тожикистонда - 32% Афғонистонда - 19%, Туркменистонда - 48% ва х.к. Ривожланган мамлакатларда урбанизация коэффициенти 90 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этади.

Урбанизациянинг умумий кўрсаткичи билан мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси ва унинг таркибий тузилиши орасида маълум алоқадорлик бор. Чунончи, агар урбанизация коэффициенти тахминан 70 - 75 ва ундан ортиқ бўлса, у ҳолда мамлакат саноат жиҳатидан юксак даражада ривожланган индустриал мамлакат ҳисобланади; 50 - 70% - бу ҳам ривожланган, миллий иқтисодиёти индустриал - аграр; 30-50%-ривожланаётган аграр - индустриал ва 30 фоиздан паст бўлса, сустривожланган аграр мамлакат ҳолатида бўлади.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки. урбанизациянинг юқоридаги кўрсаткичи ҳамма вақт ва ҳамма жойларда ҳам реал ҳудудий - иқтисодий вазиятни акс эттирмайди. Масалан, Россия Федерациясининг Чукотка ўлкасида ёки Камчатка, Магадан вилоятларида, ўзимизнинг

Қорақалпоғистонда урбанизация кўрсаткичи нисбатан юқори, Бироқ, бу хуудлар иқтисодий жихатидан унча ривожланмаган.

Ўзбекистон билан Туркменистонни олайлик: урбанизациянинг демографик кўрсаткичи Туркменистонда бизникидан кўра анча юқори. Ваҳолангки, иқтисодиётда бундай хулоса чиқариш нотўғри бўларди.

Демак, у ёки бу мамлакат урбанизация даражасини бошқа мамлакат билан қиёслаганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- шаҳар ташкил қилиш мезонлари (масалан, Туркменистонда бунинг учун 5 минг керак, Ўзбекистонда - 7 минг);
- шаҳарларнинг умумий сони ва зичлиги;
- йирик шаҳарларнинг мавжудлиги;
- шаҳар агломерацияларининг ривожланганлиги;
- қишлоқ - шаҳар ва маятниксимон миграция;
- аҳолининг бандлик даражаси ва таркиби;
- қишлоқ жойлар урбанизацияси, қишлоқликларда шаҳарчасига яшаш тарзининг мавжудлиги ва х.к.

Юқоридагилар урбанизациянинг нақадар мураккаб ижтимоий - иқтисодий ҳодиса эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Албатта, урбанизация - бу объектив ва умуман олганда ижобий жараён. Аммо унинг салбий томонлари ҳам йўқ эмас. Чунончи, экологик ва социал муаммоларнинг кескинлашуви ҳозирги замон урбанизациясининг энг кўзга кўринарли салбий «йўлдошларидир».

Ўрта Осиё за Ўзбекистондаги урбанизация шарқона хусусиятга эга. Бинобарин, бу ярдо урбанизация кўрсаткичини яқин келажакда 70 - 80 фоиз бўлишини тасаввур қилиш қийин ва бундай асло булмайди ҳам. Сабаби - бизда шаҳарлар ривожланиши қишлоқ хўжалиги билан қадимдан анъанавий ҳолда боғлиқ.

Қолаверса, бундай мамлакатларда қишлоқ урбанизацияси ҳам катта аҳамиятга эга. Бош устига, республикаимиз раҳбарияти қишлоқ жойларда ижтимоий - иқтисодий туб ўзгаришларни амалга ошириш, қишлоқ

индустрияси ва инфраструктурасига жиддий эътибор қаратмоқдаки. Бу ҳам урбанизацияни ичкаридан, «яширинча» ривожланишидан дарак беради. Демак, урбанизациянинг умумий демографик кўрсаткичи гарчи маълум қулайликларга эга бўлсада, унинг айрим нозик жиҳатлари ҳам мавжуд.

Шаҳарлар йирик аҳоли пунктлари бўлиб, унда яшайдиган кишилар қишлоқ хўжалиги билан банд бўлмасдан, бошқа ижтимоий -иқтисодий, маданий соҳаларда шуғулланишади. Шаҳарлар турли макон ва замонларда иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқарув маркази ролини ўйнаган. Шаҳар аҳоли пунктлари ўлчами жиҳатидан йирик ва унда яшовчи аҳоли, қишлоқ аҳоли пунктларидагига нисбатан кўп сонлилиги ҳамда зичлиги билан тавсифлидир. Шаҳарларнинг қудрати уларда мужассамланган иқтисодий, интеллектуал ва демографик салоҳият билан белгиланади. Дунё миқёсидаги шаҳарларни аҳолисига кўра мақом беришда аниқ чегараланган бир хил миқдордаги миқдор мавжуд эмас. Ҳар бир давлатдаги шаҳарлар бажарадиган функцияси ва аҳоли пунктларининг роли ва аҳоли сонига қараб ажратилади. Масалан, Дания ва Исландияда аҳолиси 200 киши ва ундан кўп бўлган аҳоли пунктлари шаҳар, деб аталади. Бундан ташқари Японияда-30мингдан ошқ, Нидерландияда 20 минг, Туркияда -10 минг, Ҳиндистон ва Покистонда - 5 минг, Мексикада -2,5 минг, Францияда 2 минг, АҚШда 2,5 минг, Хитойда 3 минг, Германияда 5 минг киши ва ундан кўп аҳоли яшайдиган аҳоли пунктлари шаҳар қаторига киритилади. Россияда – 12минг, Ўзбекистонда эса 7 минг аҳолиси бор пунктлари шаҳар ҳисобланади. Аммо, дунёда шундай аҳоли пунктлари борки, улар фақат маъмурий марказ бўлганлиги боис шаҳар, деб номланади, Чунончи айрим мамлакатлардаги барча аҳоли пунктларининг маъмурий марказлари, пойтахтлари шаҳарлар сирасига киритилади. Масалан, Жазоир Эквадор шулар жумласидандир. Аҳоли пунктлари шаҳарга айланишида уларнинг иқтисодий салоҳияти функцияси ҳам муҳим мезонлардан бири. Шаҳар аҳоли пунктларида яшовчилар қишлоқ хўжалиги тармоқларида банд бўлмаслиги ёки жуда кам сонини ташкил этиши керак. Масалан, Россия шаҳарларидаги аҳолининг атиги 15 фоизга яқини қишлоқ

хўжалигида банд бўлиши мумкин. Ҳиндистонда эса меҳнатга лаёқатли эркекларнинг 3/4 қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлмаган аҳоли пунктларида яшаса бундай пунктлар шаҳарлар сифатида қабул қилинади. Ўзбекистонда ишчи, хизматчи ва уларнинг оила аъзолари шаҳар аҳолисининг 2/3 қисмидан кўпроғини ташкил этиши ҳамда бундай аҳоли пунктларида саноат корхоналари (оғир индустриал), коммунал хўжалик ташкилотлари, давлат уй-жой фонди, ўқув юртлари, маданий-маърифий, тиббий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари мавжуд бўлиши лозим. Бу мезон ҳам барча давлатларда бир хил эмас. Собиқ СССР даврида аҳоли пунктларига шаҳар мақомини бериш бўйича бир қатор қонун-қоидалар қабул қилинган. Бундай қонун-қоидалар айрим республикаларда ўзаро фарқ қилар эди. Масалан, Украинада аҳоли сони шаҳарлар учун 10000, шаҳар типигаги посёлкалар (ШТП) учун 3000 киши қилиб белгиланган. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич тегишлича 7000 ва 2000 кишини ташкил этади. Аҳоли пунктида истиқомат қилувчиларнинг кўпчилик қисми меҳнатнинг қандай тури билан бандлиги даражаси ҳам шаҳарча мақомини беришда муҳим белгиларидан ҳисобланади. Чунончи Грузияда ҳам, Туркменистонда ҳам аҳоли пункти шаҳар мақомини олиши учун, у ерда 5000 кишидан кам бўлмаган аҳоли истиқомат қилиши керак. Лекин, Грузияда аҳолининг 75% дан ортиғи ишчи, хизматчи ва уларнинг оила аъзоларидан иборат бўлиши талаб этилса, Туркменистонда бунинг учун 66 % аҳоли кифоя. Шаҳар аҳоли пунктларининг шаҳар, деб номланишида унда яшовчилар миқдори ҳам муҳим кўрсаткичлардан биридир. Мамлакатлар, минтақалар аҳолисининг ҳудудий таркибида шаҳар аҳолисининг ва шаҳарларнинг ўсиб бориши - урбанизация жараёнининг ривожланишига олиб келади. Урбанизация - (лотинча урбанус - шаҳар) - шаҳарлашиш, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва кўпайиши. Бу жараён фан-техника инқилоби даврида кескин кучайиб, шаҳар аҳолисининг кўпайишига, шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалишига сабаб бўлади!.

БМТ берган статистик маълумотларда ҳозирда дунё аҳолисининг тенг ярми шаҳарларда яшайди, яъни 2009 йилда ер шари аҳолисининг 50 фоизи шаҳарларга тўғри келади ва бу кўрсаткич 2030 йилда 60 фоизни, яъни 3 миллиарддан 5 миллиардгачани ташкил этади. Бундай шаҳар аҳолисининг ўсиши фақат табиий кўпайиш ҳисобига рўй беради. 2000-2030 йиллар орасида йилига 1,8 фоиздан ортиб боради, бу глобал ўсишдан икки марта кўп дегани. Шунингдек, бугунги кунда дунёнинг 20 та шаҳрида 10 миллион киши яшамоқда, бу жаҳон аҳолисининг 4 фоизига тенг. 2015 йилда шундай лига шаҳарлар 22 тага етади ва уларда 5 фоиз дунё аҳолиси яшайди. Давлатлар ўртасида шаҳар аҳолиси устун бўлган минтақаларга ривожланган давлатларни киритиш мумкин. Масалан, Европа аҳолисининг 71 фоизи шаҳарларга тўғри келади, Осиёда бу кўрсаткич 42 фоиз (2009 йил), Япония (86 фоиз), Корея республикаси (82 фоиз), Сингапур (100 фоиз), Малайзия (68 фоиз), Эрон (67 фоиз), Кувайт (98 фоил) ва қатор Ғарбий Осиё мамлакатлари аҳолисининг ҳудудий таркибида шаҳар аҳолиси устун. Дунёдаги шаҳар аҳолисининг сони тўхтовсиз ўсишида давом этмоқда. Жумладан, 1900 йилда шаҳар аҳолисижами аҳолининг 3 фоизини, 1860 йилда -6,4 фоизни, 1980 йилда - 19,6 фоиз, 1990 йилда 43 фоиз, 2005 йилда эса 48 фоиз, 2009 йилда 50 фоизни ташкил қилган. Бундан аҳолининг шаҳарларда концентрациялашуви яъни, мужассамлашуви тезлашганини кузатамиз. Урбанизациянинг умумий кўрсаткичи мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасини белгилайди ва ўз навбатида улар орасидаги алоқадорлик моҳиятини ифодалайди. Чунончи, агар урбанизация даражаси тахминан 70-75 ва ундан ортиқ бўлса, у ҳолда мамлакат саноат жиҳатидан юксак даражада ривожланган индустриал мамлакат; 50-70 % индустриал-аграр; 30-50 %-ривожланаётган аграриндустриал ва 30 фоиздан паст, сустривожланган аграр мамлакат ҳисобланади. Бинобарин, урбанизация даражаси бўйича мамлакатларни солиштирганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- шаҳар ташкил қилиш мезонлари (масалан, аҳоли сони);
- шаҳарларнинг умумий сони ва зичлиги;

- йирик шаҳарларнинг мавжудлиги;
- шаҳар агломерацияларининг ривожланганлиги;
- қишлоқ-шаҳар ва миятниксимон миграция;
- аҳолининг бандлик дамжаси ва таркиби ва х.к.

Булардан шаҳар аҳоли салмоғи урбанизация даражасини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у ер шарининг барча ҳудудларида урбанизация жараёнининг боришини кўрсатади. Жумладан, урбанизация даражасини аҳамиятли томонларини қуйидагиларда яққол кўриш мумкин:

1. Урбанизация даражаси 10% бўлса, бундай ҳудуд урбанизациялашмаган бўлади. Қишлоқ аҳоли пунктлари билан шаҳар аҳоли пунктлари орасидаги фарқ деярли бўлмайди. Қишлоқ турмуш тарзи акс этади ва шаҳар аҳоли сони ёки шаҳарликлар ҳиссаси жуда секинлик билан кўпаяди

2. Агарда урбанизация даражаси 25 % дан паст бўлса, қишлоқ аҳоли пунктлари устунлиги сезилади, ҳудуд кучсиз урбанизациялашган ҳисобланади. Аммо шаҳар турмуш тарзи акс эта бошлайди, оқибатда шаҳар аҳолиси тезлик билан кўпаяди, оммавий шаҳар аҳоли пунктлари пайдо бўла бошлайди. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасидаги фарқ катталаша боради;

3. Урбанизация даражаси 50 % га этса, шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисидан устунлиги сезилади, ҳудуд ўрта урбанизациялашган ҳисобланади. Шаҳар аҳоли сони ва ўсиш суръати катта бўлади, шаҳар аҳоли пунктлари қишлоқлардан яққол ажралиб туради;

4. Урбанизация даражаси 75 %ни ташкил этганда шаҳарлар қишлоқлардан аниқ фарқ қилади, шаҳар турмуш тарзи қишлоқ жойларга ҳам тарқала бошлайди. Шаҳар аҳолисининг ҳиссаси ва аҳоли ўсиш суръати бирдан секинлашади;

5. Минтақа, мамлакат, ҳудуд аҳолисида шаҳар аҳолиси ҳиссаси 90% бўлса, тўлиқ урбанизациялашган ҳисобланади. Шаҳар турмуш тарзи барча қишлоқ аҳоли пунктларига тарқалади, қишлоқ билан шаҳар орасидаги фарқ

яна бутунлай йўқолади. Аҳоли сони ва салмоғи жуда секинлик билан ўсади, хатто баъзи ҳолларда камая боради.

Европа мамлакатларида бугунги кунда айнан шаҳар аҳолиси салмоғи камайиш ҳодисаси рўй бермоқда. Европа давлатлари деярли ҳаммасида шаҳар аҳолиси жами аҳолининг 50 фоиздан кўпини ташкил қилади (2009 й.)

Фақатгина, Албания, Босния ва Герцеговина аҳолисининг 46 фоизи шаҳар аҳолиси ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган Европа давлатларида Дания (72 фоиз), Швеция (84 фоиз), Англия (80 фоиз), Германияни (73фоиз) тўлалигича урбанистик тавсифга эга дейиш мумкин. Урбанизация даражасининг кескин фарқ қилишида ижтимоий-иқтисодий омиллар муҳим ўрин тутди. Бирон-бир мамлакат, минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қанчалик юқори бўлса, ўша жойда урбанизация даражаси, шаҳар аҳолиси салмоғи катта бўлади. Айрим ҳолларда табиий омиллар туфайли ҳам урбанизация даражаси кўтарилиши мумкин. Масалан истиқболли фойдали қазилма конлари, қулай иқтисодий географик ўрин ва х.к.

Назорат учун саволлар

- 1.Дунёнинг урбанизация даражаси юқори ва паст минтақалар ҳақида сўзлаб беринг.
- 2.Сохта урбанизация тушунчасига баҳо беринг.

10. Район планировкеси ва шаҳарсозлик масалалари

Таянч сўзлар: *Район планировкеси, шаҳарсозлик, ҳозирги замон шаҳарлари муаммолари*

Район планировкеси маълум бир ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари, аҳоли жойлашуви, инфраструктура элементларини географик, иқтисодий, қурилиш - архитектура ва муҳандислик - техника шароит ҳамда омиллари ҳисобга олган ҳолда ташкил қилишнинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланади. Айнан шу маънода у конструктив география (Д.И.Богород), районнинг амалий географияси сифатида тан олинган.

Дарҳақиқат, район планировкеси иқтисодий ва ижтимоий географиянинг амалиёт билан боғлиқ бўлган энг асосий йўналишидир. У шаҳарлар географияси, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилиш масалалари билан яқиндан алоқадор.

Шуни таъкидлаш лозимки, умуман иқтисодий географияда ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш ғояси асосий ўринда туради. Бинобарин, бу фанда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Район планировкасида эса ҳудуд ишлаб чиқаришни жойлаштириш нуқтаи назардан ташкил этилади ва баҳоланади. Демак, иқтисодий географияда ҳудуд бу оддий макон, ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги шароит ҳисобланса, район планировкасида у маҳсус омил, ресурсдир.

Район планировкеси бу аввалги халқ хўжалигини планлаштириш эмас; у маълум бир ҳудудни лойиҳалаштирилади, схемаларини тузиш, аҳоли манзилгоҳларининг Бош планини яратиш билан шуғулланади. Шу маънода у планлаштириш билан прогнозлаш ўртасида туради. Мазкур муаммолар билан маҳсус илмий - текшириш ва лойиҳалаштириш институтлари машғул (ТашНИИ Генплан; УзНИП градостроительства ва х.к.).

Район планировкеси айна вақтда минтақавий планлаштириш ҳам эмас. Бироқ, у минтақавий иқтисод ва сиёсат билан боғлиқ. Район планировкеси,

шунингдек, иқтисодий районлаштириш билан ҳам алоқадор; иқтисодий районлаштириш район планировкасининг назарий асосидир.

Район планировкасида унинг объектларини тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга. Одатда район планировкаси учун ўрта даражадаги иқтисодий район (вилоят) ва ундан кичик ҳудудлар танлаб олинади. Ҳудуд кичрайган сари район планировкасининг аниқлик даражаси ортиб бораверади.

Кўпинча, вилоят кўламидаги район планировкаси ишлари схемалар тузиш билан белгиланади. Улар, 1:100000-1:300000 масштабда амалга оширилади. Вилоят ичидаги иқтисодий районлар учун район планировкасининг лойиҳаси тузилади. Бундай лойиҳа ишлари саноат тугунлари учун ҳам бажарилади. Агар вилоят ичидаги иқтисодий районларда 1:100000-1:50000 масштаб қўлланса, саноат тугунларида масштаб янада аниқлашади - 1:25000 ёки 1:10000.

Шунингдек, қишлоқ туманлари учун район планировкаси ишлаб чиқилади. Алоҳида аҳоли қўрғонлари учун эса Бош планлар тузилиб, шаҳар ва қишлоқ ҳудуди саноат, уй-жой қурилиши, дам олиш нуқтаи назаридан кичик районларга ажратилади, ҳатто айрим корхона, мактаб, бекат, магазин каби объектларни жойлаштириш ўрни аниқ белгиланади.

Бош планлар 1:10000 ёки 1:5000 масштабда яратилади. Бундай планлар шаҳарнинг алоҳида қисми учун ҳам тузилиши мумкин. Хорижий мамлакатларда саноат ёки индустриал парклар, ташкиллаштирилган саноат райони, индустрия участкаси кабилар учун ҳам ишлаб чиқилади. Уларнинг майдони кўпинча 200 гектар дан ошмайди.

Район планировкасининг схема ва лойиҳалари ва аҳоли манзилгоҳларининг Бош планлари одатда 25 йилга мўлжалланган бўлади. Ана шу давр учун аҳоли сонининг башорати ҳам ишлаб чиқилади. Бу башоратлар турли усулларда (экстрополяция, меҳнат ресурси баланси, турли ёшдаги аҳоли сонини демографик суриш ёки силжитиш ва б.қ).

Яна шуни унутмаслик керакки, мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши, мулкчиликнинг турли шакллари ва вужудга келиши

туфайли давлатнинг илгариги бошқарувчанлик роли ўзгаради. Бу эса район планировкасининг мақсад ва вазифаларига ҳам янгича қарашни тақозо этади.

Район планировкаси илк марта 1919-йилда Англияда вужудга келди. Инглиз олими Питер Селфнинг “шаҳарлар ўз доирасидан чиқиб кетмоқда” деган фикри асосида, давлат томонидан ҳудуддан унумли фойдаланиш мақсадида, айрим ҳудудларнинг (Лондон, Ливерпул, Плимут) район планировкасини тузишга киришилди ва шаҳарларни ривожлантириш учун планлар ишлаб чиқилди. Россияда 1933-йилдан қурилиш ишлари районларнинг схемалари асосида амалга оширила бошланди (Қрим, Полтава, Харков ва б.) ва яхши натижалар берди. Ўрта Осиёда Жанубий Тожикистон ҲИЧМ си, Чирчик, Ангрен-Олмалик саноат райони учун шундай лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда республикамизда ТошБошлойиҳа, Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ томонидан барча шаҳар ва шаҳарчаларнинг Бош режалари ишлаб чиқилмоқда.

Демак, район планировкаси, одатда, янги ўзлаштирилган, катта аҳамиятга эга бўлган саноат районлари, йўллар, ҳудудий мажмуалар, шаҳарлар ва бошқалар учун лойиҳа ва схемалар тузади, аҳоли манзилгоҳлари - шаҳар, шаҳарча ва ҳатто қишлоқлар учун Бош режалар ишлаб чиқилади. Бош режалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилиш ишлари олиб борилади.

Шаҳарлар қурилиши назарияси ва амалиёти билан шаҳарсозлик (меъморликнинг бир йўналиши) шуғулланади. Унда ҳудуднинг табиий-иқлимий ва иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитлари, санитария-гигиена, қурилиш-техника, ижтимоий-маданий тараққиёт даражаси, миллий ўзига хослиги, шаҳарнинг вазифалари, экологик ҳолати ва бошқалар ҳисобга олинади. Шаҳарсозликда янги шаҳар, шаҳарча, қишлоқларни қуриш, қадимий шаҳарларни муҳофаза қилиш (реконструкция қилиш), шаҳарларни кенгайтириш, меъморий мажмуалар бунёд этиш Бош режа асосида амалга оширилади ва лойиҳалар тузилади. Бундай лойиҳалар буюртмалар орқали

шаҳарсозликка ихтисослашган илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтларида бажарилади.

Шаҳарсозликнинг асослари қадимги Миср, Хитой, Юнонистон, Эрон каби мамлакатларда илк шаҳарлар вужудга келиши билан шакллана бошлаган. Эрамиздан аввалги III-II минг йилликлардаёқ шаҳарлар режалаштириб қурила бошланган. Турли даврларда давр хусусиятидан келиб чиқиб, шаҳарлар қуришнинг турлича усуллари қўлланилган. Масалан, қадимги Рим Тибр дарёси бўйлаб тўғри бурчакли қисмларга бўлинган, Юнонистонда сиёсий ва диний қисмлар ажратилган. Ўрта асрларда уруш-юришларга қарши қалъа деворлари билан ўралган шаҳарлар барпо этилган. Саноат ишлаб чиқариши шаҳарларнинг жадал ўсишига олиб келди ва ишчи шаҳарлари қурила бошлади. XX асрда ҳудудий (минтақавий) режалаштириш юзага келди, турли соҳаларга ихтисослашган районлар ажратилди. Шу ўринда айтиш лозимки, йирик шаҳарлар бошқарув қулай бўлиши учун маъмурий районларга бўлинади. Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри маъмурий жиҳатдан 11 та туманга бўлинади.

Ҳозирги кунда олимлар шаҳарлардаги экологик, аҳоли зичлиги, шовқин-сурон, транспорт ва бошқа муаммоларни ҳал этиш ва ҳар томонлама қулай шаҳар барпо этиш ғоялари устида бош қотирмоқдалар (шаҳар-боғлар, сув остидаги шаҳар, ҳаво шаридаги шаҳар ва ҳ.к.)

Назорат учун саволлар

1. Ҳозирги замон шаҳарсозлик муаммолари ҳақида сўзлаб беринг.
2. Район планировкасининг ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий жойлаштиришдаги аҳамиятига баҳо беринг.

ШАҲАРЛАР ГЕОГРАФИЯСИ ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Шаҳарлар қандай меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келган?

- А). Чорвачиликнинг
- Б). Деҳқончиликнинг
- С). Ҳунармандчиликнинг шаклланиши
- Д). Темирчиликнинг

2. Юнонистонда қадимда шаҳарлар нима деб аталган?

- А). Полис
- Б). Ном
- С). Град
- Д). Ним

3. Энг биринчи шаҳарлар қаерда пайдо бўлган?

- А). Месопотамия
- Б). Миср
- С). Яқин Шарқ
- Д). Ўрта Осиё

4. Персеполис шаҳри қаерда пайдо бўлган?

- А). Хитой
- Б). Хиндистон
- С). Эрон
- Д). Греция

5. Қадимда Хитойда пайдо бўлган шаҳарларни айтинг.

- А). Паталипутра, Таксила
- Б). Санъян, Лаян
- С). Тир, Карфаген

Д). Бағдод, Истамбул

6.Қадимги Месопотамияда вужудга келган шаҳарларни айтинг.

А). Ур,Урук,Лагаш

Б). Мемфис, Фива,Леванта

С). Сидон, Библ, Бейрит

Д). Насаф, Кеш, Термиз

7.“Мегалополис”сўзи ким томонидан киритилган?

А). Д.Кристаллер

Б). Ж.Готтман

С). Г.Лаппо

Д). Ж.Руссо

8.Мегалополис сўзи дастлаб қайси давлатда қўлланилган?

А). Греция

Б). Хитой

С). Буюк Британия

Д). Миср

9. Қуйида порт шаҳарларни белгиланг.

А). Нью-Йорк, Канберра, Бристол

Б). Санкт-Петербург, Екатеринбург, Берн

С). Антверпен, Роттердам, Неапол

Д). Москва, Киев, Тошкент

10.”Ярим ўрта” шаҳарлар аҳоли сони қанчани ташкил этади?

А). 20-50 минг

Б). 10-20 минг

С). 50-100минг

Д). 100-200 минг

11. Аҳоли сонига кўра Ўзбекистоннинг иккинчи шаҳри қайси?

А). Самарқанд

Б). Наманган

С). Андижон

Д). Термиз

12. Шаҳарларнинг катта-кичиклиги нима билан ўлчанади?

А). Майдони

Б). Аҳоли сони

С). Ишлаб чиқариш салоҳияти

Д). Қадимийлиги

13. Сипфа-Стюарт классификациясига кўра мамлакат иккинчи шаҳри аҳолиси сони қанчага тенг бўлиши лозим?

А). Биринчи шаҳар аҳолисининг ярмига

Б). Биринчи шаҳар аҳолисидан кўп

С). $\frac{1}{4}$ қисмига

Д). Биринчи шаҳар аҳолиси сонига тенг

14. Республикада қайси шаҳар республикага бўйсинувчи ҳисобланади?

А). Самарқанд

Б). Тошкент

С). Навой

Д). Ғиждувон

15. Ўзбекистонда шаҳар мақомини олиши учун аҳоли манзилгоҳининг аҳоли сони ва ноқишлоқ хўжалик соҳаларида банд бўлганлар неча фоизни ташкил этиши лозим?

А). 7 минг, $\frac{2}{3}$ қисм

Б). 5 минг, $\frac{2}{3}$ қисм

С). 2минг 2/3 қисм

Д). 1,5 минг, 1/3 қисм

16.Қуйидаги шаҳарлардан қайсилари вилоятга бўйсунадиган шаҳарлар типига киради?

А). Тошкент, Бухоро, Ангрен

Б). Янгийўл, Каттакўрғон, Асака

С). Гулистон, Қамаш, Денов

Д). Термиз, Урганч, Нукус

17.Қуйида пойтахт шаҳарларни ажратинг.

А). Волгоград, Иркутск, Киев

Б). Астана, Минск, Баку

С). Таллин, Уст-Каменогорск, Донецк

Д). Марсель, Истамбул, Мари

18.Экваторни кесиб ўтувчи ва унга ҳайкал ўрнатилган шаҳар қайси?

А). Сингапур

Б). Кито

С). Кампала

Д). Дакар

19.Шаҳарларнинг функцияларини аниқлашда қандай мезон асос қилиб олинади?

А). Аҳоли сони

Б). Жойлашган объектлар тури

С). Аҳоли бандлиги

Д). Аҳолининг ёш-жинс таркиби

20.Кўп тармоқли йирик саноат марказларини белгиланг.

А). Чирчиқ, Олмалик

- Б). Янгийўл, Шаҳрихон
- С). Бекобод, Хўжайли
- Д). Яккабоғ, Шўрчи

21. ”Ўрта шаҳарлар” гуруҳига кирувчи шаҳарларни аниқланг.

- А). Шаҳрисабз, Косон
- Б). Қўқон, Термиз
- С). Чиноз, Ҳамза
- Д). Ширин, Тўрткўл

22. Бразилиянинг собиқ пойтахтини аниқланг.

- А). Ресифи
- Б). Бразилиа
- С). Рио-Де-Жанейро
- Д). Сан-Паули

23. Йирик шаҳар атрофида кўплаб шаҳарларнинг тўпланиши ва ўзаро боғланиши нима дейилади?

- А). Агломерация
- Б). Мегалополис
- С). Урбанизация
- Д). Конурбанизация

24. Шаҳар аҳолисининг шаҳар атрофига кўчиб кетиши нима дейилади?

- А). Дезурбанизация
- Б). Субурбанизация
- С). Урбанизация
- Д). Реурбанизация

25. 50-100 минг аҳолига эга бўлган шаҳарлар қандай шаҳарлар дейилади?

- А). Майда шаҳарлар
- Б). Кичик
- С). Ўрта шаҳарлар
- Д). Миллионер

26. Урбанизация даражаси қандай аниқланади?

- А). Шаҳарлар сони
- Б). Шаҳар аҳолиси сони
- С). Шаҳар аҳолиси салмоғи
- Д). Шаҳарнинг ишлаб чиқариш салмоғи

27. Агроиндустриал шаҳарларни белгиланг

- А). Когон
- Б). Пскент
- С). Ғазалкент
- Д). Шаҳрисабз

28. Қайси шаҳар аҳолиси энг кўп?

- А). Бухоро
- Б). Самарқанд
- С). Андижон
- Д). Термиз

29. Шаҳар аҳолисининг шаҳар атрофига кўчиб бориши ва шаҳарларнинг шу ерда ўсиши нима дейилади?

- А). Субурбанизация
- Б). Реурбанизация
- С). Урбанизация

Д).Конурбанизация

30. Ўзбекистонда нечта шаҳар бор?

А). 119

Б). 114

С). 224

Д). 111

31.Аҳоли сони 8 млн.дан ошган шаҳарлар БМТ кўрсатмасига биноан нима дейилади?

А). Супершаҳар

Б). Мегаполис

С). Миллионер шаҳар

Д). Йирик шаҳарлар

32. Қандай шаҳарлар миллионер шаҳар дейилади?

А).Аҳоли сони 1 млн.дан ортган шаҳарлар

Б). Ялпи миллий даромади кўп бўлган шаҳарлар

С). Майдони катта бўлган шаҳарлар

Д). Аёллар ва эркеклар сони тенг бўлган шаҳарлар

33. Хитойда қанча аҳолига эга бўлган манзилгоҳга шаҳар номи берилади?

А). 50 минг киши

Б). 30 минг киши

С). 10 минг киши

Д). 7 минг киши

34. Қуйида шаҳарчаларни белгиланг:

А). Бағдод, Бўз, Уйчи

Б). Қува, Марҳамат, Чортоқ

С). Яйпан, Тўрақўрғон, Чуст

Д). Термиз, Урганч, Хива

35.Ресурс шаҳарларни аниқланг.

А). Қизилтоғ, Зарафшон

Б). Чиғирик, Янгиер

С). Ширин, Олтиарик

Д). Термиз, Шахрисабз

36.Транспорт марказлари функциясини бажарувчи шаҳарларни аниқланг.

А). Қўнғирот, Когон

Б). Тўрткўл, Қорасув

С). Беруний, Паярик

Д). Зарафшон, Гулистон

37. Дунай дарёси қайси шаҳарни икки “ўнг” ва “сўл” қисмларга ажратиб туради?

А). Бухарест

Б). Будапешт

С). Братислава

Д). Рига

38.Жаҳонда аҳоли сонига кўра энг йирик бўлган мегалополисни белгиланг.

А). ЧПИТС

Б). БосВаш

С). Токайдо

Д). Сан-Сан

39.Жаҳонда аҳоли сонига кўра энг йирик шаҳарни айтинг.

А). Токио

- Б). Сеул
- С). Мехико
- Д). Шанхай

40. Бугдой пойтахти деб номланган шаҳар

- А). Виннипег
- Б). Лос-Анжелес
- С). Квебек
- Д). Торонто

41. Шаҳарлар географиясида иқтисодий географик ўрин назариясини қўллаган олим ким?

- А). Саушкин Ю.Г.
- Б). Давидович
- С). Перцик Е.Н.
- Д). Ж.Руссо

42. Ўрта асрларда энг йирик ҳисобланган шаҳарларни аниқланг.

- А). Гуанчжоу, Деҳли
- Б). Париж, Москва
- С). Мадрид, Севиля
- Д). Қобул, Душанбе

43. Энг юқори даражада урбанизациялашган давлатлар қайси бандда тўғри кўрсатилган?

- А). Белгия, Буюк Британия
- Б). Швеция, Туркия
- С). Норвегия, Германия
- Д). Латвия, Эстония

44. Қадимги Мемфис шаҳари (Э.ав. 3 минг й.). қайси давлат пойтахти эди?

- А). Миср
- Б). Бобил
- С). Македония
- Д). Греция

45.Биринчи миллионер шаҳарни белгиланг.

- А). Рим
- Б). Афина
- С). Константинопол
- Д). Мадрид

46.Тибр дарёсининг икки қирғоғида квадрат шаклида вужудга келган қадимий шаҳарни аниқланг.

- А). Лондон
- Б). Рим
- С). Карфаген
- Д). Москва

47. Урбанизация жараёнининг босқичли ривожланиш ғоясини ишлаб чиққан олимни аниқланг.

- А). Жиббс
- Б). Уеруейн
- С). Доксиадис
- Д). Руссо

48.Шаҳарларни жойлаштиришда марказий ўрин ғоясини илгари сурган олимни аниқланг.

- А). В.Кристаллер
- Б). П.Хаггет
- С). Сипфа
- Д). Доксиадис

49. Шаҳарларнинг ҳудудий таркибини аниқлашда “Кўпядролик” моделини ишлаб чиққан олимни аниқланг.

- А). Х.Хойт
- Б). Ч. Гаррис
- С). Е.Баржес
- Д). Ж.Руссо

50.Шаҳарларни ҳудудий ташкил этишда “секторли” жойлашув моделини ишлаб чиққан олимни аниқланг.

- А). Х.Хойт
- Б). Е.Улман
- С). П.Хаггет
- Д). Е.Баржес

51.Шаҳарларнинг “динамик” моделини ишлаб чиққан олимларни аниқланг.

- А). Ж.Форрестер, К.Доксиадис
- Б). Н.Баранский, А.Лёш
- С). Кларк, Т.Хаггерстранд
- Д). П.Хаггет, Ж.Руссо

52. Дарё бўйида жойлашган шаҳарлар гуруҳини аниқланг.

- А). Париж, Гамбург
- Б). Бордо, Барселона
- С). Мадрид, Рига
- Д). Сеул, Пхеньян

53. Денгиз бўйида жойлашган шаҳарларни белгиланг

- А). Осло, Измир
- Б). Лодз, Варшава
- С). Тулуза, Хелсиньки

Д). Киев, Тошкент

54. Тоғ-кон саноати негизиде шаклланган шаҳарларни аниқланг.

А). Кривой Рог, Макеевка

Б). Ярославль, Новосибирск

С). Москва, Красноярск

Д). Тошкент, Бишкек

55. Транспорт тугунларида жойлашган шаҳарлар

А). Навоий, Қарши

Б). Шахрисабз, Шарғун

С). Косон, Каттакўрғон

Д). Зарафшон, Тўрткўл

56. Курорт шаҳарларни аниқланг.

А). Чорбоғ, Чортоқ

Б). Марғилон, Иштихон

С). Хива, Конимех

Д). Ширин, Улуғбек

57. Юлдузсимон тарзда ривожланаётган агломерация ёки шаҳарларни қайси районларда учратиш мумкин?

А). Транспорт тугунларида

Б). Тоғ ёнбағирларида

С). Дарё бўйларида

Д). Кўл атрофида

58. Полосасимон шаҳар кўринишини қаерларда учратиш мумкин?

А). Дарё бўйларида

Б). Транспорт тугунларида

С). Кон-қазилув районларида

Д). Кўл атрофларида

59. Дунай дарёси қайси шаҳарларни умумлаштириб туради?

А). Будапешт, , Братислава, Вена

Б). Загреб, Линс, Любляна

С). Париж, Берлин, Бухарест

Д). Тбилиси, Ереван, Боку

60. Ўрта Осиё шаҳарлари берилган қаторни аниқланг?

А). Душанбе, Бишкек, Остона, Тошкент, Ашгабод

Б). Рига, Вилнюс, Таллин

С). Лондон, Париж, Берлин, Рим

Д). Москва, Тбилиси, Ереван, Боку

“ШАҲАРЛАР ГЕОГРАФИЯСИ” ФАНИДАН ГЛОССАРИЙ

«Шаҳарлар географияси»нинг турли билимлари шаҳарларнинг жамият тараққиётида, ишлаб чиқариш кучларнинг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этишдаги ўрни ва аҳамияти. Инсоният тарихида биринчи меҳнат тақсимооти.

Ўрта асрларда косиблик, ҳунармандчиликнинг ривожланишини шаҳарлар динамикасида бўлган таъсири. Шаҳарлар билан қишлоқлар, шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолиси ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши ва чуқурлашиши. Урбанизация жараёнининг ривожланиши, унинг индустриализация жараёни билан узвий алоқадорлиги. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда, айниқса 80-йиллардан кейин урбанизациянинг чуқурлашиши. “Миллионер” шаҳарлар, агломерация, мегаполисларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сони ва улушига биноан дунё мамлакатларининг тақсимланиши. Урбанизация жараёнининг иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган ва қолоқ мамлакатларда ривожланиши, унга хос муаммолар.

Инфраструктура- шароит яратиш демакдир. Инфраструктура икки турга: ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасига ажратилади.

Шаҳарлар географияси - иқтисодий ва ижтимоий географиянинг алоҳида бир тармоғи бўлиб, у турли мамлакат ёки районларда шаҳарларнинг вужудга келиш ва ривожланиш хусусиятлари, уларнинг мураккаб ҳудудий тизимларининг шаклланиш қонуниятларини ўрганади.

Урбанизация даражаси - мамлакат ёки муайян ҳудудда яшайдиган жами аҳоли сонига шаҳар аҳолисининг салмоғи.

Урбанизация - латинча сўздан олинган бўлиб, урбан – шаҳар, зация-жараён маъносини англатади, яъни шаҳарлашиш демакдир.

Шаҳар - аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигига хос бўлмаган тармоқлар мужассамланган аҳоли манзилгоҳи.

Агломерация - йирик шаҳар атрофида қатор шаҳар ва қишлоқларнинг мужассамлашуви ва ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши. Унинг учун бир ёки

бир неча йирик шаҳар (ядроти), икки ёки ундан ортиқ йўлдош шаҳар, ядро ва йўлдош шаҳарлар ўртасида камида икки соатли аҳоли алоқалари бўлиши лозим.

Мегаполис - йирик шаҳарнинг ўз маъмурий ҳудудий доирасидан атрофга чиқиши ва кенгайиб бориши. БМТ кўрсатмасига биноан аҳоли сони 8 млн.дан ортиган шаҳар, айрим ҳолларда аҳоли сони кам бўлса ҳам, мамлакатнинг бош шаҳри шу ном билан юритилади. Масалан: Тошкент шаҳри.

Мегалополис - Икки ёки ундан ортиқ агломерацияларнинг ҳудудий жиҳатдан қўшилиб кетишидан ҳосил бўлган урбанизациялашган ҳудуд. Қадимги Грециядаги Аркадийларнинг бош шаҳри Мегапол номидан олинган. У 35 та қишлоқнинг қўшилишидан ҳосил бўлган. Дунёдаги йирик мегалополислар БосВаш, Токайдо, Чпитс, Сан-Сан ва ҳ.к. Бу терминни биринчи бўлиб Ж.Готтман қўллаган.

Субурбанизация - Йирик шаҳарлардан аҳоли бир қисмининг шаҳар атрофига кўчиб ўтиши ва шаҳарнинг шаҳар ёнида ўсиши.

Конурбация - ҳудудий жиҳатдан бир-бири билан қўшилиб кетган шаҳар ва шаҳарчаларнинг улкан тизими. У ҳам агломерациянинг бир кўриниши.

Дезурбанизация - йирик шаҳарлардан аҳолининг атрофга кўчиб кетиш (қочиш). ҳоллари.

Дунёвий шаҳарлар - муайян соҳа ёки тармоқ ва йўналишга ихтисослашган, аҳоли сонидан қатъий назар жаҳон аҳамиятига молик бўлган шаҳарлар.

Геоурбанистика - шаҳарларнинг ривожланиш муаммоалари билан шуғулланувчи фан.

Яшил зона - шаҳар атрофи зонасининг бир қисми бўлиб, шаҳар ҳавосини тозалаш мақсадида барпо этилган боғлар, ўрмонлар, маданий дарахтзорлар.

Шаҳарларнинг функциялари - географик меҳнат тақсимоотида шаҳарларнинг бажарувчи вазифалари бўлиб, унда аҳолининг иқтисодий тармоқларида бандлик таркиби асос қилиб олинади. Бу кўрсаткич мамлакат шаҳар жойлари бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори бўлиши лозим.

Шаҳарлар иерархияси - шаҳарларнинг аҳоли сонига кўра эгаллаган ўрни. Геоурбанистикада шаҳарларнинг ўлчами уларнинг аҳоли сони билан ўлчанади.

Миграция - аҳолини бир жойдан иккинчи жойга кўчиши демакдир.

Карвонсаройлар - Бутун Шарқда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам савдо ишларида карвонсаройлар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Карвонсаройларнинг сонига қараб ҳатто савдо-сотиқнинг ривожини белгиланган. Карвонсаройлар одатда пишган ғиштан қурилган катта квадрат шаклдаги икки қаватли ҳовли бўлиб, унинг биринчи қавати мол сақлайдиган (омбор) ва иккинчи қавати меҳмонхона ҳужрадан иборат бўлган. Йирик савдогарлар у ёки бу шаҳарда доимий савдо қиладиган бўлса, ҳатто ўзларининг шахсий карвонсаройларини қурганлар ва ўз кишиларига хизмат қилган. Масалан, Бухорода бир неча Хивалик савдогарлар, Самарқандда Ургутлик савдогарлар ўзларининг карвонсаройларига эга бўлганлар. Айрим карвонсаройлар катта феодал ва зодагонлар ҳатто давлат (хон) нинг ёки диний ташкилотнинг (мулки) вақфи ҳисобланган. Албатта, улар бундай мулк эгаларига катта даромад келтирган. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, йирик шаҳарлардаги карвонсаройлар муайян мол харид қилинишга қараб ҳам ихтисослашган. Бу ерда чакана ва айниқса улгуржи савдо амалга оширилган. Савдо-сотиқ ишлари ҳисоб-китоб билан боғлиқ бўлганлиги туфайли унда иштирок қилувчиларнинг саводли бўлиши талаб қилинади. Шунинг учун жуда кўп сонли савдогарлар нафақат ўқимишли бўлган, улар ҳатто маҳсус мирзолар сайлаганлар. Мирзолар барча савдо-ишларини, айниқса улгуржи савдони расмийлаштиришда бевосита иштирок қилганлар. Савдо ишларида фаол қатнашадиган яна бир шахс косид ҳисоб-китоб ва кредит ишларини бошқарган. Одатда, косид

олди берди ишларини оғзаки бажарган. Энг кўп савдо Россия билан олиб борилганлиги учун орада йирик бой савдогарлардан пул олиб муайян фоиз даромад ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиб Россияга жўнатиб харид қилинган.

Карвонсаройларда ва савдо расталарида савдо ишларида хизмат қиладиган паст табақалардан ишловчи қоровул, ҳаммол, фаррош, юк ташувчи ва жойлаштирувчи мардикорлар кўпчиликни ташкил қилган. Йирик савдогарлар махсус жамоага (корпорацияга). бирикканлар. Жамоани бошқарувчи оқсоқол карвонбоши ҳисобланиб, уни савдогарлар сайлаганлар. Оқсоқол савдо расталари тартиблари ва қоидаларига риоя қилишни кўзатиб, харидорлар ва савдогарлар орасидаги можаронинг ҳал қилишга баъзан ташқаридан келган молнинг дўконлар орасида одилona тарқалишига бош бўлган. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, карвонсаройлар қадимда ҳам, ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 24 январ 2020.
2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ // Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016.
3. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. // Ш. М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017
4. И.А. Каримов. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Ўзбекистон, 1997.
5. Ахмедов З.А. Ўзбекистон шаҳарлари Т,Ўзбекистон, 1991 йил.
6. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география. Понятийно-терминологический словарь. М.,1983.
7. Атамирзаев О.Б. Региональное прогнозирование населения и управление процессом урбанизации. Т, 1979 год.
8. С Баранский НИ. Становление экономической географии. М., 1980.
9. Лаппо Г.М. Города на пути в будущее. М., 1987
10. Лаппо Г.М. География городов М, Мысл,1997 год.
11. Перцик Е.Н. География городов (геоурбанистика). М, 1991 год.
12. Салиев А.С. Проблема населения и урбанизации в республиках Средней Азии Т, Университет, 1991 год.
13. Шаҳарлар географияси. (маърузалар матни).. Т.:2002 й.
14. Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. Т.:Университет, 2004 й.
15. Солиев А. Сафаров И. «Иқтисодий ва сиёсий география асослари.Т.Университет, 2003й.

16. Ахмедов З.А. Ўзбекистон шаҳарлари Т, 1991 йил.
17. Салиев А.С. География городов Средней Азии. част-1 Т, 1980. част-2 Т, 1984 год.
18. Салиев А.С. Проблемы населения и урбанизации в республиках Средней Азии Т, 1991 год.
19. Перцик Е.Н. Районная планировка (географические аспекты). М., 1973
20. Перцик Е.И. География городов (геоурбанистика). М., 1991
21. Саушкин Ю.Г., Глушкова В. Г. Москва среди городов мира. М.,1983.
22. Хорев Б.С. Проблемы городов. М.,1975.
23. Хорев Б.С. Городские поселения СССР.М., 1969.
24. Яргина Э.Н., Коснухий Я.В. и др. Основы теории градостроительства. М., 1985.

Электрон таълим ресурслари

1. www.peugeotufa.ru – цены услуг
2. www.bashexpo.ru – выставки, конференции
3. www.interunion.ru – турецкие ассоциации
4. www.world-tourism.org – Всемирная турецкая организация
5. www.wttts.org – Всемирный Совет по путешествиям и туризму
6. www.tag-group.tsom – Консультативная группа по вопросам туризма (ТАГ).
7. www.e-tours.ru – деловые туры, выставки, конференции
8. www.travel-library.tsom – Электронная библиотека путешествий
9. http://el.tfi.uz/pdf/iqtg1mat_uzl.pdf
10. <http://www.gov.uz/uz/tsontent.stsm?tsontentId=13040>

